

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КАСБИЙ
ТАЪЛИМ” ФАКУЛТЕТИ
“АХБОРОТ –ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**«Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига инновацион
технологияларидан фойдаланиб, экологик тарбия бериш»
мавзусидаги**

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

БАЖАРДИ: «Касб таълими» (информатика
ва ахборот технологиялари) таълим
йўналиши битирувчи 4 курс талабаси
Мўсаев Сарваржон .

ИЛМИЙ РАХБАР:
доц. Т.М. Умнатқулов

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси «_____» _____ 2015 йил

ФАРҒОНА – 2015 йил

Мундарижа.

Аннотация.....	3
Кириш.....	5
1. Аналитик қисм.	
I-боб. Касб-хунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий асослари.....	17
1.1 Касб-хунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий асослари.....	17
1.2 Информатика фанининг асосий тушунчалари ва илмий-назарий асослари.....	24
2. Асосий қисм.	
2.1 Табиий муҳитнинг ўзгариши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши соғлом авлодни вояга етказишга таъсири.....	30
2.2 Касб-хунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари.....	45
3. Педагогик қисм.	
3.1. Касб-хунар коллежи ўқувчиларида инновацион технологияларидан фойдаланиб, экологик маданиятни шакллантириш-педагогик муаммосини ҳал этиш	50
3.2 Информатика дарсларида педагогик технологияларидан фойдаланиш усуллари.....	58
4. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси.....	63
5. Умумий хулоса ва тавсиялар.....	65
6. Фойдаланилган адабиётлар.....	68
7. Иловалар.....	70

АННОТАЦИЯ.

Мазкур битирув малакавий ишда, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш муаммоси юзасидан илмий изланишлар моҳияти ёритилган. Бугунги кунда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш- муаммолиси долзарблиги ҳақида фикр юритилади. Битирув малакавий иш таркиби кириш, тўрт боб ҳамда хулоса ва тавсиялардан иборат.

Кириш қисмида экология ва табиий муҳит ҳақида умумий тушунча, ушбу мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифалари ҳамда тадқиқотнинг методлари ва методологик асосларига алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари тадқиқотнинг илмий фарази, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти тавсифланди.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида касб - ҳунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий асослари, табиий муҳитни ўзгариши ифлосланишини илмий асослари ҳамда бунга қўшимча равишда соғлом фарзандларни воега етказиш ва касалликларни олдини олиш ўрганилган. Ўзбекистон ва бутун минтақа учун энг асосий экологик хавф, Орол муаммоси ҳақида фикр юритилган.

Иккинчи бобда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида инновацион технологияларидан фойдаланиб, экологик маданиятни шакллантириш-педагогик муаммосини ҳал этиш ҳақида фикр юритилган.

Учинчи бобда педагогик қисмдан фойдаланган ҳолда касб – ҳунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришни ижтимоий педагогик шарт – шароитлари ўрганилган. Ота - она ва ўқувчи респондентлар билан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тўртинчи бобда компьютер билан ишлашдаги меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидалари мукамал келтирилган.

Битирув малакавий иш якунида хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтирилган.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Оила кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Шунга кўра жисмонан соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок ва юксак маданиятли ёш авлодни вояга етказиш оиладан бошланади. Оила — никоҳнинг ривожланган босқичи, у никоҳнинг ички тараққиёти, мустаҳкамланиши натижасидан вужудга келади. Никоҳ оилага айланиши жараёнида катор энг муҳим белгилар касб этади. Булар эр — хотиннинг ягона рўзгор асосида бирга ишлаши, ўзаро хилма — хил муносабатларга киришуви, фарзандлар туғилиб эр — хотиннинг ота - онага айланиши кабилардир. Ҳар бир оила вужудга келиши билан "оила - оила аъзоси", шунингдек "оила - жамияти" муносабатлари ташкил топадики, бу муносабатларни муайян ахлоқ коидалари, одат ва анъаналари билан бошқариш объектив зарурат бўлиб қолади. Ижтимоий муносабатлар жамиятнинг тузилишини вужудга келтиради. Шундай қилиб ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини ифодалайди. Оила эса одамларнинг

Табиий

Иқтисодий

Ҳуқуқий

Маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирликдир.

Табиий муносабатлар деганда. жинсий муносабатлар, бола кўриш; иқтисодий муносабатлар дейилганда. мулкӣ муносабатлар; уй рўзгор ховли - жойни бошқариш; ҳуқуқий муносабатлар дейилганда, никоҳни давлат йўли билан қайд этиш, оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатлар назарда тутилади. Оила расмий тус олгандагина эр хотини олдида, хотин эрни олдида, фарзандлар олдида масъулиятли ва бурчли бўладилар; Маънавий муносабат дейилганда эса, эр - хотин, ота - она ва болалар ўртасидаги меҳр - мухаббат, меҳр -- шавкат, меҳр - оқибат. одоб -ахлоқ, таълим — тарбия каби инсоний туйғулар ва талаблар кўзда тутилади. Оилавий бирликда шахслар ўртасидаги ахлоқий, психологик, жисмоний ва ҳўжалик - маиший алоқалар содир бўлиб, улар ҳаётда ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради.

Э К А Л О Г И Я – тирик организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзи яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ҳамда шу асосида вужудга келадиган қонуниятларни ўрганади.

Экология тушунчасини фанга биринчи бўлиб 1868 йилда немис биология Э Геккель томонидан киритилган. Э К А Л О Г И Я - юнонча сўз бўлиб, унинг маъноси тирик организмларнинг яшаш шароити ёки ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини билдиради. Барча ривожланган мамлакатларда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва меҳнат қобилиятини кўтариш хақида ғамхўрлик қилиш муҳим давлат вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни яратишда зиёлилар катта куч бўлиб хизмат қилади. Бунда гигиена қоидаларига ҳар бир инсон риоя қилишни муҳимлигини тушунтира билишлари ва ўзлари шахсий ўрнатилган бўлишлари лозим: ГИГИЕНА юнонча *hygieinos* сўзидан олинган бўлиб, у ташқи муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганадиган ва олинган маълумотларга таянган ҳолда ташқи муҳитни соғломлаштириш инсон соғлигини мустаҳкамлашнинг меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқадиган, айниқса юқумли касалликларни олдини оладиган, ишлаш қобилиятини оширадиган, умрни узайтириш тадбирларини ишлаб чиқадиган фандир. Шундай экан экология ва гигиена бир - бирига боғлиқ ҳолда одамзодни вужуди ва фаолияти билан атроф - муҳитнинг узвийлигини таъминлайди. Яшаш муҳитини соғлом қилмай туриб, тан - соғлиқни таъминлаш кийин. Соғлом турмуш тарзини ташкил қилиб. кундалик ҳаётимизда, келажак ҳаётида соғлом бўлиш инсонларнинг оқилона хатти - ҳаракатига боғлиқ. Бунинг учун тушунтириш ишлари, андозалик ёки намуна кўрсатиш ҳолатлари асосий таъсир ҳисобланиб, бунда ҳар бир инсон — соғлиқни сақлаш ходими, ўқитувчи, талаба, ўқувчи, ҳукумат арбоби, радио.

хизматчиси, журналист, жамоат вакили, диний арбоб, исталган соҳа намоёниси, ёш — қари, оила - аъзоси, дўст - биродар, кўни - қўшни, эркак, аёл ва болалар барча — барчаси ҳамкорликда иш олиб боришнинг натижаси ижобий ва самарали бўлади.

Мустақил Ўзбекистонимиздаги экологик - гигиеник муаммолар

умумжисмоний масалаларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, кенг жамоатчилик олдидаги хал этилиши зарур бўлган вазифалардан биридир. Бу борада экологик - гигиеник таълим тарбия хизмати муҳим ўрин тутди.

Табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар маълум қонунларга бўйсунган ҳолда боради. Бу қонунларнинг бузилиши эртами - кечми экологик ҳалокатга олиб келади, ва турли хил касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳар қандай ютуқли ишни бажариш учун аввало тинчлик - хотиржамлик, сихат - саломатлик керак. Инсоният ўзининг хатти - ҳаракати, маъноли нутқи, фикрлаш доираси билан бошқа жонли организмлардан фарқ қилади. Шундай экан яшаш муҳитимизни экологик -гигиеник ҳолатини ижобий бўлиши унда инсон ва бошқа нарсаларни соғлом бўлиши инсонларга кўп жihatдан боғлиқ.

Экологик - гигиеник таълим - тарбияни оиладан, боғчадан ҳамда умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаш лозим. Экологик - гигиеник таълим - тарбия инсоннинг табиатига, биосферага бўлган янгича муносабатларини шакллантиришда муҳим босқич ҳисобланади. Оилада ўсиб келаётган болаларга экологик — гигиеник, таълим — тарбияни беришда боланинг ёши, қизиқиши, маҳаллий шароит урф — одатларимизни ҳисобга олган ҳолда иш олиб борсак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу уз навбатида мус ақил республикамызда юксак экологик - гигиеник маданияти, ўз Ватанига, элига хизмат қиладиган инсоннинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маълумки, ҳозирда мактабларнинг V -синфидан бошлаб экологик билимларни оилаларга олиб кириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда педагоглар ташаббускор бўлиши зарур Инсон табиатнинг онгли бир бўлаги, инсон табиат қўйнида яшар экан. унинг беминнат саҳовати, инъоми ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Шундай экан, инсоннинг энг яқин "дўсти" бўлиши табиатни ардоқлаш ва эъзозлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлибгина қолмасдан, балки шу кўркем табиатнинг бир олий неъматни ҳисобланадигани инсоннинг шарафли бурчи бўлиши лозим. Муруватли, кўркем. саҳоватли табиатни

эъзозлаш, унга бўлган муҳаббат инсон қалбида гўдакликдан уйғотилиши ва даврлар ўтиши билан шакллантириб бориши керак. Шунинг учун табиат омиллари билан ИНСОН саломатлигига узвий боғлиқлигини билаоладиган, мактабда соддадан мураккабга томон ўрганиб бориши керак. Сув, тупроқ, ҳаво - тирик организмлар яшаш муҳити экан, мана шу муҳитда инсон яшайди. Инсоннинг саломатлиги шу муҳит билан боғлиқ, Сув - Шарқ ва Ғарб ҳакимлари сув "халоват манбаи" ёки "Саломатлик маликаси" деб бекорга айтишмаган. Сув энг муҳим ташқи мосл омилларидан биридир. Аҳолининг соғлиги ва санитария турмуш шароити маълум даражада унга боғлиқ. Сув гавда тўқималари ва органлари ҳосил бўлишида иштирок этади. ҳамда физиологик жараёнларни нормал кечиши учун зарурдир. Сув моддалар алмашинувида иштирок этиб одам организмида буйрак, ўпка, ичаклар ва тер орқали мунтазам суратда чиқиб туради. Катта ёшли одамда кунига 2,5 - 3 - литр сув йўқотилади. Ёзни иссиқ кунларида жисмоний меҳнат туфайли 6 — 10 — литргача сув йўқотилади. Агар одам гавдаси массасининг 15 - 20 фоизида сув йўқотилса киши вафот этиши мумкин. ТУПРОҚ - бу жуда кўп миқдордаги микроорганизмлар яшайдиган минерал органик заррачалар комплексидан иборат, ер қобиғи говак юза қатламининг унумдор қисмидир. Ташқи муҳитнинг асосий элементларидан бири бўлган тупроқ ва унга ёйилиб кетган тоғ жинслари кишилар соғлигига ва улар ҳаётининг санитария шароитларига катта таъсир кўрсатади. Туироқ моддаларининг биосферада айланишида марказий звено ҳисобланади. Жойлардаги ўсимликлар. Хайвонлардан олинadиган озиқ - овқат маҳсулотларини таркиби тупроқни кимёвий таркибига боғлиқ. Тупроқда ёки унга ёйилиб ётадиган жинсларда. бирор кимёвий элемент етишмаслиги ёки ортиқча бўлиш уларни озиқ - овқат маҳсулотлари ёки сувда. етишмаслиги ёки сувда ортиб кетишига олиб келади. бу аҳоли соғлигига таъсир этади. Масалан, шу нарса маълумки баъзи жойлар тупроғида йод етишмаса ўсимликларда ва ер ости сувларида, аҳолини овқат рационидан уни миқдори кам бўлади, бу - эндемик буқок касаллигини пайдо бўлишига олиб келади. Ер ости сувларининг қандай чуқурликда жойлашганлиги ва таркиби тупроқ ва унда ёйилган

жинсларни физик -кимёвий хоссасига боғлиқ. Тупроқ жойнинг иқлимига таъсир этади, тупроқни ботқоқ бўлими ёки ер ости сувларининг ер сатхига яқин туриши жой иқлимини носоғлом. нам қилиб қўяди.

Биобарин намиқиб кетишга сабаб бўлиши мумкин. Хаво - Одамга кўкат -ва майсаларга. парранда - даррандаларга, хашароту - хайвонларга ҳам ҳаво жуда зарурдир. Тирик мавжудод ҳаво таркибидаги кислород (O_2) билан ҳам тирикдир. Ҳаво кислород манбаидир. Оксидланиш жараёни ва ҳаётни сақлаб туриш учун организмга доимо ҳаво кириб туриши зарур. Катта ёшдаги одам бир кеча - кундуз давомида 15-30 м³ ҳаводан нафас олади, уни тоза бўлиши инсон соғлиги учун ахамияти ниҳоятда катта. Ҳавога хатто арзимаган миқдорда зарарли моддалар, чанг ёки патоген микроорганизмлар аралашган бўлса. шунинг ўзи одам соғлигига ноқулай таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, атмосфера ҳавоси одам ва хайвонлар нафасидан чиқадиган карбанат ангидрид (CO_2) чиқиндилар ва тупроқдаги органик моддаларнинг парчаланишида ҳосил бўладиган газсимон маҳсулотлар, тупроқ чанги,тутун газсимон ва чангсимон чиқиндиларидан доимо ифлосланиб туради. Бунга қарамай ўз - ўзидан тозаланишни юзага чиқарадиган кудратли куч туфайли ташқи атмосфера ҳавосининг таркиби нисбатан доимо бир хилда туради ва тозабўлади. . Бундай кучга қўйидагилар киради:

- аҳоли яшайдиган жойлардаги ахлатларни учуриб олиб кетадиган ва ифлос ҳавони тозаси билан алмашилишига имкон берадиган Ш А М О Л;
- Қор - ёмғирларни ювиб кетувчи таъсири;
- Бошқа аралашмаларни оксидлаб турувчи кислород билан озоннинг кимёвий таъсири;
- Карбонат ангидридни (CO_2) ютиб ҳавони кислород (O_2) билан бойитувчи ўсимликлар;
- Атмосферани юкори қатламида сув буғларининг парчаланиб кислород ҳосил бўлишига имкон берадиган қуёшнинг ультрабинафша радиацияси.

Аҳоли яшайдиган жойларда атмосферани тоза - туриша учун ўз -ўзидан табиий тозаланиш кучи етарли эмас экан, атмосфера ҳавосини санитария нуқтаи

назаридан муҳофаза килиш бўйича бир қатор тадбирий чораларни амалга ошириш зарур.

Одам организми ҳаволи муҳитга бевосита тегиб тургани учун унга фақат ҳаво таркиби эмас. балки метриологик факторлар ҳам таъсир этади. Атмосферанинг физикавий ҳолатини характерлаб борадиган ҳаво температурасининг намлиги ва ҳаракати, атмосфера босими, атмосферага кириб борадиган қуёш радиацияси ва бошқалар ана шунда факторлардир. Бу факторларнинг йиғиндиси турли жойларда об - ҳаво ва иқлимни белгилаб беради.

Тарих саҳифаларидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаган XX аср моҳиятига кўра қарама - қаршиликлар ҳамда зиддиятларга йўналиши билан ўзгача касб бағишлайди. Бинобарин, илм — фан, техника ва технология соҳаларида рўй берган инқилибий ўзгаришлар кишилик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан тезкор суръатдаги ривожини таъминлаган бўлса, айнан ана шу соҳаларида содир бўлган ўзгаришлар бир қатор муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Экологик муаммолар деб юритилаётган умумбашарий масалани илм - фан, техника ва технология соҳаларининг кескин равишда ривожланиши, шунингдек, инсониятнинг атроф — муҳитга нисбатан нотўғри ёндашувининг оқибати дея эътироф этилмоқда. Бугунги кунда "Инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирини тартибга солиш ижтимоий тараққиёт билан қулай табииймуҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммоси борган сари долзарб бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммонинг ижобий ҳал этилиши шахс фаолияти ва унинг маънавий - ахлоқий асослар билан бойитилиши, табиатга нисбатан масъулиятли ёндашув, унинг бойликларини сақлаш, улардан тежаб -тергаб ишлатиш уларни бойитиш тўғрисида қайгуриш каби ҳислатларни аҳоли, шу жумладан, ўқувчи ёшларда шакллантирилиши билан тавсифланади, Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидаги фикрни қайд этади:

"Экалогик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланганю. Экалогия ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммолардан биридир, Уни ҳал этиш".

Экалогик муаммолар ижтимоий - ғоявий, ҳудудий чегараларга эга эмасдур. балки инсоқ фаолиятининг мазмуни, йўналиши ҳамда оқибатн натижасида юзага келган. Уларнинг олдини олишда яғона самарали йўл Ер шарида яшовчи барча халқлар, миллатлар эътиборини ижтимоий — иқтисодий тараққиёт ҳамда табиат мавжудлиги ўртасидаги номутаносиблик ва унинг хобора кескинлашувига қаратиш. ушбу номутаносибликка барҳам бериш йўлида ҳамжихатликда фаолият юритиш муаммонинг ечими эканлигини англаб етишларинн таъминлашдан иборат. Аҳоли ўртасида, ёшлар ўртасида ва оилаларда экалогик билимларни тарғиб этиш, уларда табиат ва атроф - муҳит муҳофазаси учун масъулликни қарор топтириш, экалогик фаолиятни йўлга қўйишларигаэришиш ушбу йўлда амалга ошириладиган энг муҳим вазифалардандир. “Ўзбек оиласи соғлом авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутати.Зеро, оила муҳитидаги мавжуд ижтимоий. иқтисодий ҳамда рухий омиллар ёш авлод тарбиясини мувафққиятли ташкил этиш имконини беради. Оила шароитида хўжаликни юритиш мақсадида ташкил этиладиган айрим ҳаракатлар негизида инсоннинг табиатга муносабати, унинг ижобий мазмун касб этиши борасидаги ғоялар акс этади. Чунончи, кўчат ўтказиш нафақат оиланинг муайян неъматини истеъмол қилиш эҳтиёжни кондирибгина колмай.балки атроф - муҳит муҳофазасини таъминлаш атмосферага кисларод етказиб бериш муаммоларини ҳам ҳал этади. Шунингдек оилавий суҳбатларда ифода этилган халқ, оғзаки ижоди намуналари ҳам болалар томонидан экалогик билимларни ўзлаштиришларига имкон беради.

Илмий - тадқиқотимиз муаммосига турдош мавзуларда бажарилган илмий педагогик фалсафий адабиётларни ўрганиш ўзбек оилаларида олиб борилаётган тарбия мазмуни билан яқиндан танишиш ота-оналар ҳамда болалар билан

ташқил, этилган савол — жавоб анкета натижаларидан маълум бўлдики, гарчи ўзбе оилаларида (айниқса қишлоқ жойларида яшовчи оилалар) болала ўртасида экологик - гигиеник билимларни тарғиб қилиш, уларда экологи - гигиеник билимларни тарғиб қилиш, уларда экологик ~ гигиеник фаолиятни ташқил этиш кўйикма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни кенг қуламда экологик - гигиеник фаолиятини олиб боришга жалб этиш имкониятини берувчи педагогик шарт - шароитлар мавжуд бўлсада, ота - оналарнинг ўзларини экологик - гигиеник билимларидан тўлақонли хабардор эмасликлари, бу борада муайян тажрибага эга бўлганликлари боис оила шароитида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бермайдилар.

Ота — оналарнинг оила шароитида педагогларни мактабда болаларга экологик билим бериш, шунингдек, уларни экологик фаолиятига фаол жалб этиш тўғрисида маълумотлар берувчи. илмий — услубий қўлланма ёки педагогик тавсиялар йўқлиги оқибатида фойдалана олмай қолиши бу муаммони ечимини топа олмаётганлигига. жиддий асос бўлмоқда. Ўқувчиларда бу борадаги имкониятлари кўламини ўрганиш зарурати мазкур йўналишда илмий — тадқиқотни олиб боришини тақазо этади. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда "Ўқувчиларда экологик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий педагогик асослари (касб ҳунар коллежи мисолида)" мавзусини тадқиқотимиз муаммоси сифатида танладик. Илмий - тадқиқот ўтказиш объектини белгиладик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Педагогик тадқиқотларнинг натижалари ҳам инсоннинг табиатига нисбатан онгли муносабатда бўлишида унинг маънавий - ахлокий сифатларга эгаллиги ҳамда уларнинг касб этишини кўрсатмоқда. Шу боис шахс маънавиятини шакллантириш. унинг умумий маданияти асослари борасидаги У.И. Махкамов, С.Нишонова, С.Файзулина. Н. Нишонова ва бошқаларнинг илмий - назарий ҳојлари бизнинг илмий — тадқиқотимиз иши учук асос бўлиб хизмат қилди.

Шахсда экологик онг ва маданиятини шакллантиришда унинг психологик ёш хусусиятларини инобатга олиш лозим, мазкур ўринда психолог олимлар - М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, Б.Қодиров. Ғ.Шоумаровлар томонидан олиб борилган илмий -тадқиқот ишлар мазмуни ўрганилган. Тадқиқот муаммосига мувофиқ касб ҳунар коллежи, унинг ижтимоий моҳияти, коллежда тарбияни самарали ташкил этиш шартлари, шакл, метод ва воситалари каби мавзуларда олиб борилган илмий — тадқиқот ишлари ўрганилади.Хусусан А. Мунавваров, М.Салимова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий ишлар шулар жумласидандир. Бугунги кунга қадар инсон ва табиат муносабати, ижтимоий жамияти тараққиётининг атроф - муҳитга таъсири, экологик - гигиеник муаммолар ва уларнинг олдини олиш, самарали экологик таълим - тарбияни ташкил этиш масалалари юзасидан бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, улар қўйидагилардир.

- Экологик муаммоларнинг табиий - фалсафий жihatлари - Ю.Шодиметов, Б.Зиёмухамедов, Ш.Махмудова. А.Хукумов.Атроф — муҳит муҳофазаси ва уни ташкил этиш асослари — Г.Ахмедов, Р.Бекназаров,А.Тўхтаев; Ю.Махмудов, Ш.Отабойевлар. Табиат ва атроф – муҳит муҳофазасининг ташкил этишнинг педагогик жihatлари, турли ёшдаги ўқувчилар ўртасида экологик билимларни таркиб этиш, уларнинг кенг кўламда экологик фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, педагогик жihatдан Э.ОТурдикулов. Ш.Авазов, Б.Исмоилов, Р.Ахадов, Г. Султанов, М. Юлдашев, В.Сатторов.М.Нишонбойева ва бошқалар фанларни ўқитиш жараёнида экологиктаълим - тарбияни амалга ошириш масалаларини ўрганилган. Чет эллик олимлардан — А.Захлебний, И.Зверев, В.Им Южин, Роберт Аллен, Т.Кучер.. А. Салаевалар томонидан экологая ва унинг умумий асослари, экологик хавфни бартараф этиш йўллари, шахснинг мазкур жараёндаги иштирокини экологик жihatдан ижобий ҳал этишга ўз илмий ишларини бағишлаганлар.

Тадқиқот мақсади: касб ҳунар коллежида ўқувчиларига инновацион технологияларидан фойдаланиб, экологик маданиятни шакллантириш шарт – шароитлар тизимини яратиш.

Тадқиқот объекти: касб ҳунар коллежи ўқувчиларига инновацион

технологияларидан фойдаланиб, ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: касб ҳунар коллежида ўқувчиларига инновацион технологияларидан фойдаланиб, ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш мазмуни.

Тадқиқот вазифалари:

1. Касб ҳунар коллежи ўқувчиларига инновацион технологияларидан фойдаланиб, экологик маданиятини шакллантиришнинг илмий назарий асосларини ўрганиш.

2. Ўзбек оилаларида ота - оналарни экологик билим даражасини аниқлаш.

3. Касб ҳунар коллежи ўқувчиларида инновацион технологиялари асосида экологик тушунчаларини аниқлаш.

4. Ўзбек оилаларида ёш болаларга экологик билим бериш имкониятларини аниқлаш.

5. Касб ҳунар коллежи ўқувчиларини янги технологиялар асосида экологик маданиятни шакллантиришда экологик маданиятини педагогик ҳамкорлик (оила, ташкилот ва мактаб)ни ўрганиш.

6. Олиб борилган тажриба - синовлари натижаларига таянган ҳолда илмий мақолалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари:

- тадқиқот муаммосига турдош мавзуларда яратилган фалсафий-педагогик, экологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш;
- Педагогик кузатиш;
- Суҳбат;
- Анкета сўровлари;
- Тарихийлик методлари;
- Педагогик тажриба;
- Математик — статистик метод:

- Илмий янгилиги:

- касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантиришнинг илмий — назарий асослари ўрганилади;
- Ёш болаларда экологик маданиятининг шаклланганлик даражасини белгилловчи мезонлар ишлаб чиқилди;
- Миллий кадриятлар ва оила педагогикаси ғояларининг ўзбек оилаларида ёш болаларнинг экологик маданиятини шакллантириш имкониятлари ўрганилади;
- касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш шакл, метод ва воситалари аниқланди;
- ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш самарадорлигини оширишга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқилди, ва илмий мақолалар chop этилди.

Амалий аҳамияти:

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ишлаб чиқилган илмий - педагогик тавсиялар шунингдек ёш болаларнинг экологик маданиятини шакллаштиришга йўналтирилган фаолият мазмунини ифодаловчи илмий - назарий ва амалий ғоялардан ёшлар ўртасида экологик билимларни тарғиб этиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкин. Шунингдек мазкур илмий иш материалларидан экологик мазмундаги тадбирлар ўтказишда, қўлланмалар яратишда, тавсиялар ишлаб чиқишда, оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида экологик билимларни ташвиқот қилишда фойдаланиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар.

- касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари;
- ўқувчиларнинг экологик маданиятини аниқловчи мезонлар;
- ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш борасидаги оила таълим муассасалари ҳамда ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик мазмуни;
- ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган фаолият самарадорлигини таъминлашга оид услубий тавсиялар;

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми:

Битирув малакавий иш анната кириш, тўрт боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўихати ва иловалар. Ҳажми 70 саҳифани ташкил этади.

I – БОБ. ЭКАЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Экалогик маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари

Табиат билан доимий мулоқотда бўлиш шахснинг ахлоқий ривожланishi нинг зарурий шартидир. Ер, сув ҳаво ва ҳайвонот оламига. ўсимликлар дунёсига маъсулият билан ўз ўрнини англаб етади. ана шу хис ўзи туғили ўсган ерга, она табиатга муҳаббатнинг келтириб чиқаради. Табиатни севиш - бу Ватанни севиш. унинг тинчлигини, оромини авайлашди. Бекорга халқ узок сафардан қайтганда она ер тупроғини кўзига суртмайди. Одам боласи борки, она ерга, она табиатга таъзим қилади. Ватанга муҳаббат — табиатга бўлган муҳаббатдан бошланади. Табиат илмини ўрганар эканмиз, кутилмаган янгиликларни табиатнинг ғаройиб жараённинг гувоҳи бўламиз.

Яшил табиатни ўйлаб беҳад завкланамиз. Бирок, ана шу "Яшил ўсимликлар" ўлкамиз учун ҳаётий зарур бўлган кислород (O_2) ни бетиним беришини ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз. Табиат мўжизаларини кузатишнинг ўзиёқ инсонга олам - олам завқ - шавқ бағишлайди. У бир дақиқа бўлсада, дунё ташвишларидан, турмуш икир — чикирларида инсонни холос қилади.

Асабни бузадигак, юракни эзадиган валеаларни унитади. Толиққан асаблар ором олади, таналар яйрайди. Табиат билан юзма - юз келганда ҳар қандай киши олам гўзалликларидан дили ёришади. Бутун табиатга мавжуд борлиққа меҳри уйғонади. Ҳаётга инсонларга чинакам муҳаббати ортади. Ўзини янада, покиза, олижаноб бўлаётганини хис этади.

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, 1- га ердаги ўрмон бир соат давомида ўрта ҳисобда 8 килограмм карбонат ангидридни, аниқроқ килиб айтганда, шу вақт ичида юзта одам чиқарадиган нафасни ютади. Дарахтлар ҳавони филтирлаб тозалайди. Дарахтзорлар тоза ҳаво манбаи эканлигини ҳозирги замон кишисига яхши маълум. Лекин умрида бир туп дарахт ўтказмаган ёхуд дарахт тагига бир челак сув куймаган инсонлар- орамизда топилади.

Лекин айрим сабаблар билан табиатга жиддий зарар етказилмоқда, атроф

мухит ифлосланмоқда . Фан - техника тараққиёти оқибатида табиат мувозанати бузилмоқда. Хар йили атмосферага ўрта хисобда 500 млн тонна чанг - хид, олтингугурт гази ва карбонад ангидрид (CO_2) чиқарилмоқда. Кундан - кунга микдори кўпайиб бораётган автоуловларнинг ўзигина хар йили атмосферага 300 млн тоннадан кўпроқ захарли газлар чиқарилмоқда. Булар шубҳасис инсон саломатлигига жиддий зарар етказяпти. Чунки атмосферага чиқарилган захарли газлар хавода бир - бири билан реакцияга кирипшб. янада зарарли бўлган бирикмалар хосил қилади.

Олимларимизнинг аниқлашича, атмосферадаги кисларод (O_2) миқдори йилига 10 миллиард тоннага камайиб бормоқда.

Хозирги кунда" Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш" ва "Хайвонот ва ўсимликлар " дунёсини муҳофаза қилиш ва "Тупроқни муҳофаза қилиш ва унумдорлигини ошириш ", "Сувни муҳофаза қилиш " тўғрисидаги муҳим конунлар қабул қилинди ва қилинмоқда. Буларнинг хаммаси мамлакатимизда табиатни муҳофаза этишга инсонлар саломатлигини сақлашга қаратилган муҳим ишлардандир. Лекин табиатни муҳофаза қилишимизда зарур бўлган ишлар хали жуда кўп.

Еримиз, сувимкиз, ўсимлик ва хайвонлар оламини сақлаб қолиш учун чинаккам курашни вақти келди. Зеро, зилол сувлар, ям - яшил дарахтлар ўлкани гўзал қилиб қолмай, балки одамларнинг саломатлиги, рисқи рўзи учун хам кони фойда эканлиги барчага аён бўлмоғи керак.

Анъаналаримизга, урф -одатларимизга кўра ҳавони булғашиб сувни ифлослаб, кўчатни синдириб бўлмайди. Соф ҳаво - кони даво," Ҳавода чанг ва тутун бўлмаса, одам минг йил яшарди " деб — ибн Сино бежиз айтмаган. Географик йилномаларда таъкидланишича, инсоният яқиндагана пайдо бўлган. Агар замин ёши билав инсон умрини таққослайдиган бўлсак қандайдир лавхаларни ташкил этади. Одамзод мана шу қисқа муддат ичида миллион йиллар мобайнида шаклланган борлиқ мухитни ишдан чиқариб. яксон килувчи кучга айланмоқда. Айниқса. XX - XXI аср тараққиёти кишиларнинг табиий ресурсларга бўлган истеъмолчилик хуружини мисли кўшилмаган

даражада авж олдириб юборди. Эндиликда имконияти чексиз ва ҳар нарсага бардошли деб келинган экологик олам дардчил қиёфага кириб қолди.

Кўхна дунё кишилари ҳам табиат инъомларига битмас — туганмас деб карамаганлар.

Афлотуннинг "Қонунлар" китобида сувни ифлослашда айбдор бўлган шахслар жазоланиши тозалаб бериш эвазига қайтариши лозим деб ёзган. Миллоддан олдинги 1200 йилларга таълуқли хитой қўлёмаларида ўрмонларни йўқотиш халокатли оқибатларга олиб келади, деган битиклар бор. Қадимги Хикдистоннинг буюк ҳуқумдори Ашока олти ойга тўлмаган ёввойи ҳайвонларни овлашни қатъий ман этувчи махсус қарор чиқарган. "Табиатдан ажралган инсон - онадан жудо бўлган етим гўдақдир" деган хикмат ҳам қадим давр китобларнинг қоёб меросларидан олинган.

Аҳоли яшайдиган жойлардан оқисда ўт - ўланлар ўсиб ётадиган ерлардан ёқн катга - катта сув хавзаларига яқин жойларда атмосфера хавосида зарарли газсимон аралашмалар бўлмайди, қанг ва микроорганизмлар ҳам деярли учрамайди. Аҳоли яшайдиган жойларда айниқса саноат марказларида ҳаво саноат қорхоналари ва қозонхоналарида чиққан чиқиндилардан, автомобиллардан чиқадиган ишланган газлардан ҳаво ифлосланади. Атмосфера хавосни ифлослайдиган газсимон аралашмалар орасида тошқўмир ва минерал мойларнинг ёнишидан ҳосил бўладиган сульфидлар гази (H_2S) дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Сульфид гази ҳавода қисман сульфат (SO_3) ангидридга оксидланади, сульфат ангидрид сув буғлари билан ўзаро таъсирланиб, сульфат қислатани ҳосил қилади. $8O_3 \rightarrow H_2O + H_2SO_4$ Сульфид гази юқори миқдорда у хавони бадбўй қилиб юборади, кўз ва нафас йўллари шиллик пардаларини таъсирлантириди, ҳамда организмга умумий захарли таъсир кўрсатади, Сульфид ангидрид ҳаводан икки баровар оғир. бу атмосферани ерга яқин қатламнинг ундан ифлосланишига имқон беради. Қарбон (II) оксиди (CO) ёқи ис гази очик атмосферанинг ифлосланишида муҳим роль ўйнайди. Ис гази (CO) қаддан ташқари захарли. Бу рангсиз, ҳидсиз газ бўлиб шиллик пардаларни

таъсирлантирмайди, ундан захарланиши хавфини оширади, чунки ис газ хатто ўлдирадиган миқдорда бўлганда ҳам одам уни сезмайди. Марказий нерв хужайралари кислород очлигига айниқса сезгирдир. Ёнғиндан захарланиш ҳолларида бош оғрийди, бош оғирлашиб кетаверади, дармонсизланади. боши айланади. кўнгили айнийди, қайт килади . анча оғир ҳолларда хушидан кетади, талваса тутати.

Тозаланиб турадиган хожатхоналар, ахлат уюмлари. ифлос сувлар тўкиладиган ўралар. қанд заводлари ва бошқа жойлардаги чиқиндилар таркибида органик моддалар бўлган чиқиндиларнинг микроорганизмлар билан қўшилиб кетиши натижада ҳосил бўладиган аммиак бошқа бир канча ёқимсиз хидли газларнинг кўп қисми атмосферага ўтади. Молхона паррандахоналар ўз вақтида тозалаб турилмалса улар ҳавоси ҳам, шу бинолар атрофидаги ҳаво ҳам бу ёқимсиз газлар билан жуда кучли ифлосланиб, санитария турмуш шароитини ёмонлаштириб қўяди. Бу газларнинг зарарли таъсири яна шу билан ҳам боғланганки, уларнинг ёқимсиз хиди чуқур - чуқур нафас олишни, ўпка вентилляциясини рефлектор равишда камайтиради. Юқори миқдорда бу газлар захарли таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Атмосферада ҳар доим бир оз миқдор чанг муаллақ ҳолда юрадиган зич зарралари бўлади. Шамол кўтариб чиқиб кетадиган зарралар ёки транспорт юриб кетаётганида кўтариладиган тупроқ зарралари чанг манбаи ҳисобланади. Аҳоли яшайдиган ободонлаштирилмаган жойларда жуда кўп чанг ҳосил бўлиб. нафас олишга халақит беради, кийим — кечак, юз - қўл, баданни. дераза ойналари ва уй жойларни ифлос қилади. Кўмир карф ва бошқа хил ёнилғилар ёнганда чиқарадиган тутун атмосферанинг чанг зарралари билан ифлосланишига сабаб бўладиган бошқа муҳим манбалардан ҳисобланади. Тутуннинг муаллақ зарралари сув буғлари суюқликка айланидиган марказ бўлиб, аҳоли яшайдиган пунктларда булутни ва булутли кунларни купайтириб юборади. Тутун атмосферанинг тиниқлигини пасайтириб, қуёш нурининг ёритиш даражасини анча камайтириб қўяди.

Тутун зарралари ҳам ўсимликлар, хайвонлар ва одамга таъсир қилиб,

одамларга кўйидагича таъсир килиши мумкин: улар кўзга тушиб, уни шкастлайди ва яллиғлайди, нафас йўллари шиллиқ пардасини таъсирлантириб, йўтал пайдо қилади. Қуримда концероген хоссасига эга модда бўлади. Атмосфера ҳавоси тутунга тўлиб кетган аҳоли яшайдиган пунктларда олимларни кузатишча ўпка раки билан касалланиши кўпайиб бормоқда. Касалланиш статистикаси шундан далолат бериб турибдики, тутун кўпайиб кетган жойларда аҳолини умумий касалликлари ортган ва нафас органлари касалликлари кўпроқ учраб туради. Ифлосланган ҳаво нафас йўллари таъсирлантириб, хроник яллиғлантиради, бу - инфекцияни кириши учун қулай шароит яратиб беради. Табиий муҳитнинг ўзгаришида экологик муҳит таркибига кирувчи энг муҳим элементлардан бири ер (тупроқ) дир. Ер ўсимлик, ҳайвон ва микроблар билан биргаликда мураккаб экотизимни ташкил қилади. Ернинг инсон фаолияти учун зарурий муҳит эканлиги унинг одамларни кийинтириши ва боқидан ташқари, ўзини - ўзи тозалаш хусусиятига эга эканлигида, табиатдаги ифлос нарсаларни биологик йўл билан тозалашида кўринади. Чунки тупроқда учрайдиган барча тирик организмлар яшаш жараёнларида бир - бирига нисбатан турли хил муносабатда ва ўзаро таъсирда бўлади, яъни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар ўртасида мураккаб муносабатлар натижасида тупроқда ҳаёт учун зарурий минерал моддалар тўпланади, нормал экологик муҳит ҳосил бўлади. Лекин тупроқдан режимсиз фойдаланишимиз туфайли, тупроқнинг ўзини - ўзи боқидишида, ненормал экологик муҳит ҳосил бўлишига сабаблар бўлмоқда. Ернинг ниҳоят даражада шўрланиб кетганлиги, унумдорлигини пасайиши, кучсизланиши ва ҳатто бузилиб кетишида, йирик - йирик майдонларни оммавий суратда ўзлаштирилишидир. Ернинг ифлосланиши инсон ҳаётини фаолияти натижасида зарарли хўжалик ва саноат чиқиндиларини келиб чиқиш оқибатида ҳам содир бўлади. Аҳоли турар жойларида кўплаб чиқинди ва ахлатларнинг йиғилиши касаллик тарқатувчи микроорганизмларни кўпайишига сабаб бўлади. Ўзбекистон ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар ташланадиган 230 дан ортиқ шаҳар ва

қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 миллион М³ахлат тўпланади. Улар асосан стихияли равишда жуғрофия, геологик - гидрогеологик ва бошқа шарт - шароитларни комплекс ўрганмай туриб ташкил этилганлиги аниқланган. Республикамизда бу масалаларни хал қилиш борасида дастлабки ишлар амалга оширилмоқда. Ер экологиясининг бузилишига олиб келадиган сабаблардан бири ҳосилдорликни кўпайтириши мақсадида ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг тупроқда меъёридан ортиқ сепилишидир, ёки зараркуранда хашаротларга қарши сепиладиган дориларнинг меъёридан ортиқ ишлатилишидир. Уларнинг жуда кам миқдори биз кўзлаган мақсадга фойдали таъсир кўрсатиб, кўпчилик қисми ер, сув, ўсимлик ва бошқа озиқ - овқат маҳсулотларига сингиб кетади. Натижада тупроқнинг таркиби ёмонлашади, кишилар саломатлигига катта таъсир этади. Тоза экологик муҳитнинг ажралмас қисми сувдир. Сув барча тирик мавжудодлар учун асосий ҳаётий омилдир. Кишилиқ жамиятида жонли табиатда сувнинг ўрнини боса оладиган ҳеч қандай модда йўқ. Ўсимлик ва ҳайвонлар организмнинг, одам организмнинг 50 - 60 фоизи сувдан ташкил топган. Сув саноат ишлаб чиқаришида, қишлоқ хўжалигида ва умуман халқ хўжалигининг барча тармоқларида нихоятда зарур ва муҳимдир. Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлигини нуқтаи назардан ёндашилганда сув билан боғлиқ камида икки хил ўткир муаммо кўзга ташланади.

1. Сув захираларининг, ер усти ва ер ости сувларининг ўта тақчиллигидир. Бу муаммо сув манбалари йиллига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё, 30 куб километр сув қуядиган Сирдарё сувларини тежаб - тергаб сарифлашга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш заруриятини туғдиради.

2. Сувнинг ифлосланиши бўлиб, уни келтириб чиқарадиган асосий омилларга кенгайиб бораётган саноат ва маиший хўжалик корхоналаридан турли хил ташкилотлардан чиқарадиган ифлос оқава сувлар, турли хил ювувчи синтетик моддалар, руда, шахта, нефт конларида ювилиши натижасида оқизиладиган ифлос сувлар, зовур сувлари, завод ва

фабрикалардан чиқадиган ифлос сувларни кўрсатиши мумкин.

Сувнинг ифлосланиши. Унинг таркибида захарли моддаларнинг меъёридан ортиб кетиши натижасида барча тирик организмлар жумладан инсон истеъмол қиладиган ўсимлик ва хайвон маҳсулотларитаркибига захарли моддалар ўтади. Олдин кузатилмаган ҳозирда эса жуда тез - тез учраб, даволаниш қийин ёки мумкин бўлмаган касалликларни юқоридаги сабаблар билан изохлаш мумкин.

Ўзбекистон ва бутун минтақа учун энг асосий экологик хавф, Орол муаммосидир. Орол денгизи танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожеага айланади; денгиз хавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди. Ҳозирги кунда Орол муаммоси минтақавий ва умумбашарий доираларда хал қилинмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган учрашувда мазкур масалани биргаликда хал қилиш тўғрисида битимга имзо қўйилди, давлатлараро кенгаш, унинг ишчи органи, шунингдек оролни қутқариш бўйича халқаро фонд ташкил қилинди. 1994 йил январ ойида ўтказилган Нукусдаги иккинчи учрашувда Орол бўйича экологик вазиятни яхшилашга қаратилган 3 - 5 йилга мўлжалланган фаолият дастури қабул қилинди. 1994 йил мартда Тошхөвүздаги учинчи учрашувда эса бу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳсөбот муҳокама қилинди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлигини Б.М.Т Жаҳон банки каби халқаро ташкилот вакилларининг иштирокида Алмати шаҳрида ўтказилган 1997 йил февраль учрашувда Оролдаги ноқулай экологик вазиятни бартараф қилиш бўйича фаолият кўрсатаётган ташкилотларни такомиллаштиришга қаратилган Оролни қутқариш Халқаро фондининг янги таркиби ва унинг ижроия қўмитаси ўтказилди.

Ҳозирги кунда бошқа сув хавзалари ҳам Оролдек фожиага дуч келмаслик чора тадбирларини олдиндан кўриб сақлаш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Орол бизга тарбия бўлмоғи лозим. Инсон табиатнинг бир бўлагидир, у ўз умри давомида, бутун меҳнат фаолияти жараёнида табиат

бағрида яшайди, унга таъсир этади ва ўзи учун керак бўлган барча нозу - неъматларни, озиқ - овқат, кийим кечак, турар жой минерал ашё ва энергия кабиларни табиатдан олади ва сарифлайди.Шундай экан борлиқда соғ — саломат бўлиб, узок умр кўришимиз ўзимизшнг оқилона хатти - ҳаракатимизга боғлиқ. Ижобий ва салбий хатти - ҳаракатимиз ҳеч қачон жавобсиз қолмайди.

1.2. Информатика фанининг асосий тушунчалари ва илмий-назарий асослари.

Информатика 60 - йилларда Францияда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ахборотни қайта ишлаш билан шуғулланувчи соҳани ифодаловчи атама сифатида юзага келди. Информатика атамаси лотинча “информатис” сўзидан келиб чиққан бўлиб, тушунтириш, хабар қилиш, баён этиш маъноларини англатади. Французча информатигуе (информатика) сўзи ахборот автоматикаси ёки ахборотни автоматик қайта ишлаш маъносини англатади. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда бу атамага Сомпютер ссиеNСе (компьютер техникаси ҳақидаги фан) синонимига мос келади. Информатиканинг инсон фаолиятининг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқиши биринчи навбатда компьютер техникасининг ривожланиши билан боғлиқ. Бунда асосий хизмат микропроцессор техникасига тўғри келади, унинг пайдо бўлиши 70 - йиллар ўрталарида иккинчи электрон инқилобини бошлаб берди. Шу даврдан бошлаб ҳисоблаш машиналарининг элемент негизини интеграл чизма ва микропроцессорлар ташкил этди. Информатика атамаси нафақат компьютер техникаси ютуқларини акс эттириш ва фойдаланиш, балки ахборотни узатиш ва қайта ишлаш жараёнлари билан ҳам боғланади. Информатика ахборотни қайта ишлаш, уларни қўллаш ва ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларига таъсирини ЭҲМ тизимларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, яратиш, баҳолаш, ишлашнинг турли жиҳатларини ўрганувчи комплекс илмий ва муҳандислик фани соҳасидир. Информатика - компьютерлар ёрдами ва уларни қўллаш муҳити воситасида ахборотни янгилаш жараёнлари билан боғлиқ инсон фаолияти соҳасидир. Кибернетика - техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли тизимларда бошқарувнинг

умумий тамойиллари ҳақидаги фандир.

Информатика - ахборот ва уни қайта ишловчи техникавий, дастурий воситалари хусусиятларига асосланиши;

Кибернетика эса - объектлар моделларининг концепцияларини ишлаб чиқиш ва қуришда хусусан ахборотлардан кенг фойдаланиши жиҳатидан фарқланади. Информатика кенг маънода инсоният фаолиятининг барча соҳаларида асосан компьютерлар ва телекоммуникация алоқа воситалари ёрдамида ахборотни қайта ишлаши билан боғлиқ фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг хилма - хил тармоқлари бирлигини ўзида намоён этади.

Информатикани тор маънода ўзаро алоқадор уч қисм - техник воситалар (hardware), дастурий воситалар (Software) ва алгоритмли воситалар (Brainware) сифатида тасаввур этиш мумкин. Ўз навбатида информатикани қисмлари бўйича турли жиҳатлардан: халқ хўжалиги тармоғи, фундаментал фан, амалий фан соҳаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

ЭҲМ яратилиши ва элементли асосларидан фойдаланиш босқичлари бўйича шартли равишда қуйидаги авлодларга бўлинади:

1 - авлод: 50 - й.: электрон вакуум лампаларда ишловчи ЭҲМ;

2 –авлод: 60 - й.: дискрет ярим ўтказгичли асбоблар (транзисторлар)да ишловчи ЭҲМ;

3 –авлод: 70 - й.: кичик ва ўта юқори даражада интеграцияси бўлган ярим ўтказгичли интеграл схемаларда ишловчи ЭҲМ (юзлаб-минглаб транзисторлар бир корпусда жойлашган);

4 –авлод: 80 - й.: катта ва ўта катта интеграл схемалар - микропроцессорларда ишловчи ЭҲМ (ўн минглаб - миллионлаб транзисторлар бир кристаллда жойлашган);

5 – авлод: 90 - й.: билимларни қайта ишлашнинг самарали тизимларини қуришга имкон берувчи, бир қанча ўнлаб параллел ишловчи микропроцессорлари бўлган ЭҲМ; бир пайтда ўнлаб изчил дастурий буйруқларни бажарувчи, параллел - векторли тузилмаси бўлган ўта мураккаб микропроцессорларда ишловчи ЭҲМ;

6 - ва ундан кейинги авлодлар: оммавий паралелизм ва нейтрон тузилмали - нейтронли биологик тизимлар тузилишини моделлаштирувчи, унча мураккаб бўлмаган микропроцессорлар кўп сонли (ўн минглаб) тақсимлаш тармоғи бўлган оптоэлектронли ЭҲМ лар.


ЭҲМнинг ҳар бир кейинги авлоди олдингисига қараганда жуда муҳим хусусиятларга эга жумладан, ЭҲМ нинг иш самарадорлиги ва барча ёдда тутувчи мосламалар сиғими одатда анча ортиқ бўлади.

Вазифасига кўра ЭҲМ уч гуруҳга бўлинади: универсал (умумий вазифа), муаммоли - йўналтирилган ва ихтисослашган ЭҲМ.



Шахсий компьютердан фойдаланиш қоидалари. Шахсий компьютерни ишга тайёрлаш ва ўчириш тартиблари мавжуд. Авваламбор компьютернинг тармоқ кучланишига мослигини текшириш керак. Шахсий компьютерлар 220 ёки 110 кучланишли электр тармоқларида ишлаши мумкин. Шахсий компьютерлар учун кучланишнинг ўзгариши, айниқса кескин ўзгаришлар хавфли бўлиши мумкин. Шунинг учун махсус стабилизаторлардан ёки электр қувватининг узлуксизлигини таъминловчи - УПС қурилмасидан фойдаланиш тавсия этилади. Махсус УПС қурилмаси электр қувватини ўзгармас ҳолда ушлаб туради, ҳамда электр манбаи ўчирилгандан кейин муайян вақт давомида компьютер ишлашини таъминлаб туради. Бу вақт компьютерда бажарилаётган ишларни тугатиш учун етарлидир. Масалан, керакли маълумотларни дискка ёзиб қўйиш ёки программалар ишини тугатиш учун ва ҳоказо. Шахсий компьютерларнинг асосий қурилмалари. Дастлаб ҳисоблаш учун яратилган компьютерларнинг имкониятлари ҳозирги кунда “беҳисоб” десак адашмаймиз. Шундай имкониятларга IBM PC компьютери ҳам эгадир. Бу компьютер машҳур Интернационал Бусинесс Машинес Корпоративон корхонасининг маҳсулидир. IBM PC компьютерларининг AT 386, 486СХ, 486ДХ, 586 ҳамда Pentium

турлари кенг тарқалган. Шунинг учун қуйида IBM PC компьютери тавсифини келтирамиз. Ушбу қисмда IBM PC компьютери асосий қурилмалари: процессор, монитор, клавиатура тавсифи батафсил ёритилган. Ёрдамчи қурилмалар вазифаси ва имкониятлари қайд қилинган. Шунингдек компьютердан фойдаланиш қоидалари, компьютерни ишга тушириш тартиблари келтирилган. IBM PC шахсий компьютери қуйидаги асосий қурилмалардан ташкил топади:



Бунда клавиатура белгиларни компьютерга киритиш, монитор маълумотни тасвирлаш имконини беради. Процессор эса асосий қурилма бўлиб, унда микропроцессор, оператив хотира, қаттиқ диск, контроллер, дискеталар билан ишлаш учун қурилмалар ва ҳоказолар жойлашади. Компьютернинг NOTEBOOK тури кичик ҳажмга эга бўлиб, унда процессор клавиатура қопқоғи шаклида қилинган. Бу компьютер китобга ўхшашдир. Масалан, СОЛО С120 компьютери ўлчами 51x300x224 мм ва оғирлиги махсус электр қуввати (батареялар) билан бирга 3,5 кг. Бу компьютер одатдаги компьютер каби ишлайди. Зарур ҳолда NOTEBOOK ни компьютер ва қўшимча қурилмалар билан улаш мумкин. Ҳозирги кунда NOTEBOOK лар 6 соат мобайнида ишлаш имкониятига эга. Шунинг учун улардан кенг фойдаланилмоқда. Шахсий компьютернинг қўшимча қурилмалари. Компьютер имкониятларини ошириш учун унга турли қўшимча қурилмалар улаш мумкин. Бу принтер, “сичқонча”, модем, сканер ва ҳоказолардир. Бунда:

Принтер - маълумотни қоғозга чиқаради;

“Сичқонча” - маълумот киритилишини енгиллаштирувчи манипулятор;

Модем - телефон тармоғи орқали бошқа компьютер билан маълумот алмашиш имконини беради;

Сканер - қоғоздаги маълумотни компьютерга тасвирий равишда киритади.

Ҳар бир қурилма процессорда жойлашган мос улагичга уланади ёки ўрнатилади.

Қўшимча қурилмани улашдан аввал компьютерни ўчириш зарур, акс ҳолда компьютер ишдан чиқиши мумкин.

Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби:

Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби қуйидагича:

- стабилизатор ёқилади;
- принтер керак бўлса, у ёқилади;
- монитор ёқилади;
- процессор ёқилади.

Шундан кейин экранда текширувчи махсус программа натижалари, ҳамда операцион системани ишга туширувчи программалар ҳақида маълумотлар чиқади. Операцион система ишга тушгач, у командаларни беришни таклиф қилади.

Компьютердан тўлиқ фойдаланиш тўғри ўчиришга ҳам боғлиқ.

Бунинг учун қуйидагилар бажарилади:

- ишлаётган программалар тугатилади;
- процессор ўчирилади;
- принтер ёқилган бўлса, ўчирилади;
- монитор ўчирилади;
- стабилизатор ўчирилади.

ЭҲМ ҳажмини қисқартиришга ва компьютер яратилишига 1948 йилда вужудга келган транзисторлар сабаб бўлди, чунки электрон лампалар ўрнини кичик ҳажмдаги транзисторлар эгаллашига имкон яратилди. 1965 йилда Дигитал эғуипмент фирмаси РДР-8 русумли дастлабки миникомпьютер яратди.

Айни шу даврда миникомпьютерлар яратилишига, яна бир янгилик-интеграл схемалар кашф этилиши сабаб бўлди. 1959 йилда Intel фирмасининг бўлғуси асосчиси Роберт Нойс битта пластинкада транзисторларни ўзаро боғлаш усулини яратди. Бу электрон схемалар кейинчалик интеграл схемалар деб юритила бошланди. Шундай қилиб, 1968 йилда Бурроугҳс фирмаси дастлабки интеграл схемалар асосида ишловчи компьютер яратди.

1970 йилдан бошлаб, Intel фирмаси хотиранинг интеграл схемасини ишлаб чиқариб, кенг миқёсда сота бошлади. 1973 йилда Intel фирмаси томонидан 8-байтли Intel-8008 микропроцессори 1974 йилда Intel-8080 версияси яратилди. 1970 йилда шахсий компьютерларнинг юзага келиши катта ЭХМларга бўлган талабни сусайтирди. Бу эса ўз навбатида IBM (International Business Machines Corporation) фирмаси фаолиятига кескин таъсир ўтказди. 1979 йилда бошланган изланишлар 1981 йилда (16 разрядли Intel 8088 микропроцессори асосида) яратилган ва бозорда ўз ўрнини топган IBM PC компьютерида ўз самарасини берди. Орадан икки йил ўтиб, бозорда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. 1983 йилда IBM PC XT, 1985 йилда IBM PC AT компьютерлари ишлаб чиқарилди. Кўп ўтмай бошқа фирмалар ҳам IBM PC компьютерини ишлаб чиқара бошлади. Айни вақтда у, нафақат Америка ва Европа мамлакатларида, балки Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида, хусусан Тайвань, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Малайзия мамлакатларида ҳам ғарб мамлакатларига қараганда арзонроқ нархда ишлаб чиқарилиб жаҳон бозорида сотила бошланди. Айни вақтда республикамизда Intel 80386CX, 80486 ва Pentium микропроцессорли Super-VGA 800x600, Super-VGA 1024x768 туридаги мониторли компьютерлар кенг тарқалган. Бугунги кунда IBM PC туридаги компьютерларининг тобора оммалашишига нафақат IBM фирмаси, балки компьютер «мия»сини яратувчи Intel ва MS DOC, Windows, Word, Excel каби бир қатор дастурлар яратган ва яратаётган Microsoft фирмаси ҳам сабабчи бўлмоқда.

II. Асосий қисм.

2.1 Табиий муҳитнинг ўзгариши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши соғлом авлодни вояга етказишга таъсири.

Табиат билан доимий мулоқотда бўлиш шахснинг ахлоқий ривожланishi нинг зарур шартидир. Ер, сув ҳаво ва ҳайвонот оламига . ўсимликлар дунёсига маъсулият билан ўз ўрнини англаб етади. ана шу хис ўзи туғили ўсган ерга, она табиатга муҳаббатнинг келтириб чиқаради. Табиатни севиш - бу Ватанни севиш. унинг тинчлигини, оромини авайлашди. Бекорга халқ узок сафардан қайтганда она ер тупроғини кўзига суртмайди. Одам боласи борки, она ерга, она табиатга таъзим қилади. Ватанга муҳаббат — табиатга бўлган муҳаббатдан бошланади. Табиат илмини ўрганар эканмиз, кутилмаган янгиликларни табиатнинг ғаройиб жараённинг гувоҳи бўламиз.

Яшил табиатни ўйлаб беҳад завкланамиз. Бирок, ана шу "Яшил ўсимликлар" ўлкамиз учун ҳаётий зарур бўлган кислород (O_2) ни бетиним беришини ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз. Табиат мўжизаларини кузатишнинг ўзиёқ инсонга олам - олам завқ - шавқ бағишлайди. У бир дақиқа бўлсада, дунё ташвишларидан, турмуш икир — чикирларида инсонни холос қилади.

Асабни бузадигак, юракни эзадиган воқеаларни унитади. Толиққан асаблар ором олади, таналар яйрайди. Табиат билан юзма - юз келганда ҳар қандай киши олам гўзалликларидан дили ёришади. Бутун табиатга мавжуд борлиққа меҳри уйғонади. Ҳаётга инсонларга чинакам муҳаббати ортади. Ўзини янада, покиза, олижаноб бўлаётганини хис этади.

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, 1- га ердаги ўрмон бир соат давомида ўрта ҳисобда 8 килограмм карбонад ангидридни, аниқроқ килиб айтганда, шу вақт ичида юзта одам чиқарадиган нафасни ютади. Дарахтлар ҳавони филтрилаб тозалайди. Дарахтзорлар тоза ҳаво манбаи эканлигини ҳозирги замон кишисига яхши маълум. Лекин умрида бир туп дарахт ўтказмаган ёхуд дарахт тагига бир челак сув куймаган инсонлар- орамизда топилади. Лекин айрим сабаблар билан табиатга жиддий зарар етказилмоқда, атроф муҳит ифлосланмоқда . Фан - техника тараққиёти оқибатида табиат

мувозанати бузилмокда. Хар йили атмосферага ўрта ҳисобда 500 млн тонна чанг - хид, олтингугурт ва карбонад ангидрид (CO_2) чиқарилмокда. Кундан - кунга миқдори кўпайиб бораётган автоуловларнинг ўзигина хар йили атмосферага 300 млн тоннадан кўпроқ заҳарли газлар чиқарилмокда. Булар шубҳасис инсон саломатлигига жиддий зарар етказяпти. Чунки атмосферага чиқарилган заҳарли газлар ҳавода бир - бири билан реакцияга кирипшб. янада зарарли бўлган бирикмалар ҳосил қилади.

Олимларимизнинг аниқлашича, атмосферадаги кислород (O_2) миқдори йилига 10 миллиард тоннага камайиб бормокда.

Ҳозирги кунда "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш" ва "Ҳайвонот ва ўсимликлар" дунёсини муҳофаза қилиш ва "Тупроқни муҳофаза қилиш ва унумдорлигини ошириш", "Сувни муҳофаза қилиш" тўғрисидаги муҳим қонунлар қабул қилинди ва қилинмокда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда табиатни муҳофаза этишга инсонлар саломатлигини сақлашга қаратилган муҳим ишлардандир. Лекин табиатни муҳофаза қилишимизда зарур бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Еримиз, сувимкиз, ўсимлик ва ҳайвонлар оламини сақлаб қолиш учун чинаккам курашни вақти келди. Зеро, зилол сувлар, ям - яшил дарахтлар ўлкани гўзал қилиб қолмай, балки одамларнинг саломатлиги, рисқи рўзи учун ҳам қони фойда эканлиги барчага аён бўлмоғи керак. Анъаналаримизга, урф - одатларимизга кўра ҳавони булғашиб сувни ифлослаб, кўчатни синдириб бўлмайди. Соф ҳаво - қони даво," Ҳавода чанг ва тутун бўлмаса, одам минг йил яшарди" деб — ибн Сино бежиз айтмаган. Географик йилномаларда таъкидланишича, инсоният яқиндагана пайдо бўлган.

Ўзбекистон ва бутун минтақа учун энг асосий экологик ҳавф, Орол муаммосидир. Орол денгизи танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожеага айланади; денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди. Ҳозирги кунда Орол муаммоси минтақавий ва умумбашарий доираларда ҳал қилинмокда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган

учрашувда мазкур масалани биргалиқца хал қилиш тўғрисида битимга имзо қўйилди, давлатлараро кенгаш, унинг ишчи органи, шунингдек оролни қутқариш бўйича халқаро фонд ташкил қилинди. 1994 йил январ ойида ўтказилган Нукусдаги иккинчи учрашувда Орол бўйича экологик вазиятни яхшилашга қаратилган 3 - 5 йилга мўлжалланган фаолият дастури қабул қилинди. 1994 йил мартада Тошхувдаги учинчи учрашувда эса бу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот муҳокама қилинди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлигини Б.М.Т Жаҳон банки каби халқаро ташкилот вакиллари унинг иштирокида Алмати шаҳрида ўтказилган 1997 йил февраль учрашувида Оролдаги ноқулай экологик вазиятни бартараф қилиш бўйича фаолият кўрсатаётган ташкилотларни такомиллаштиришга қаратилган Оролни қутқариш Халқаро фондининг янги таркиби ва унинг ижроия қўмитаси ўтказилди.

Ҳозирги кунда бошқа сув ҳавзалари ҳам Оролдек фожиага дуч келмаслик чора тadbирларини олдиндан кўриб сақлаш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Орол бизга тарбия бўлмоғи лозим.

Инсон табиатнинг бир бўлагидир, у ўз умри давомида, бутун меҳнат фаолияти жараёнида табиат бағрида яшайди, унга таъсир этади ва ўзи учун керак бўлган барча нозу - неъматларни, озиқ - овқат, кийим кечак, турар жой минерал ашё ва энергия кабиларни табиатдан олади ва сарифлайди. Шундай экан борликда соғ — саломат бўлиб, узоқ умр кўришимиз ўзимизнинг оқилона хатти - ҳаракатимизга боғлиқ. Ижобий ва салбий хатти - ҳаракатимиз ҳеч қачон жавобсиз қолмайди.

Инсон ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит бугунги кунда уни фаровон ҳаёт кечирishi ва узоқ умр кўришига соғлиғига ва иштимой муҳитига ўз таъсирини кўрсатади. Инсон ана шу ижтимой муҳитда ўзининг шахсий фазилати, хатти - ҳаракатини намоён этади. Инсон табиат ҳосили. Унда яшайди, тараққий этади, зурри ёш қолдиради, шу туфайли ундан табиат конунларига оғли муносабатда бўлишни тақазо этади. Акс ҳолда инсон ундан узоқлашади ва жазоланади. Ибтидоий одам ўз тафаккурини

шакллантираётганда ўзини табиатни бир бўлаги деб билган ва табиатдаги ходисалар қандайдир куч қудрати билан амалга оширилишни тасаввур этган кейинги вақтда инсон фаолиятини барча жабҳаларида чуқур сифат ўзгаришларига олиб келган фан – техника инқилоби натижасида инсоннинг табиатга техналогик таъсир ўтказиш имконияти ошиб кетди, унинг қуввати табиатга таъсир этиш қудрати билан таққослана бошланди. Инсоният табиатини ўзгартирувчи ва қайта тузувчи қудратли геологик кучга айлана бошлади. Организм муҳитда тасодифий меҳмон эмас, у муҳитни мураккаб тузилишининг бир қисмидир. Жамиятнинг-энг бебаҳо бойлиги — одамлар саломатлиги, инсон ҳаёти асосидир.

Инсоннинг табиатга таъсир этиши натижасида жамият билан табиат ўзаро муносабатларнинг уйғунлашуви бузилади. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати барчанинг эътиборини кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Инсон табиатнинг бир қисми демак одамларнинг ўзлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам атроф-муҳитнинг оир қисми ҳисоолангани учун инсон саломатлигининг ижтимоий экологик муаммоси юзага келади. Бу муаммо табиат муҳити билан бир қаторда ижтимоий муҳитда юз берган салбий ўзгаришлар туфайли пайдо бўлади. Ижтимоий муҳитнинг ҳолатига таъсир этувчи кўплаб омиллар бўлиш мумкин. Тоза ижтимоий муҳит жамиятнинг ҳар бир аъзосига ижобий таъсир этадиган, унинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган ва ер фарзанди сифатида баркамол бўлиб вояга етишмга кўмаклашадиган барқарор маънавий - руҳий иқлимдир. Салбий таъсир этувчи омиллар кишилар кайфияти ва руҳиятини ёмонлашуви ва организмда турли хил касалланишининг пайдо бўлишига қулай муҳит яратади. Салбий экологик омиллар инсон саломатлигига ва унинг тадрижий ривожланишига акс таъсир этади. Ижтимоий муҳитнинг ёмонлашуви, ижтимоий ўзгаришлар, шунингдек ҳамма нарса табиат устидан ҳукумдорлик қилиш мақсадига қаратилганлиги инсоннинг ўзини иккинчи ўринга тушуриб қўйди.

Оқибатда инсон фаолияти жоловдан чиқди ва умумбашарий фалокатни келтириб чиқарди. Бу ижтимоий муҳит микродаражада ҳам, айниганлигининг оқибатдир. Аҳолининг саломатлиги давлат мулкидир. Аҳолининг саломатлиги ижтимоий муҳитнинг ҳолатига боғлиқ. Ҳозир табиатни муҳофаза қилиш долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири бўлиб қолди. Атроф муҳит мусоффолигини асраш, аввало бизни ўраб турган гўзал табиатга ҳурмат билан қарашни таказо этади. Табиатни қўриқлаш - келажак авлодга озод ва обод ватанни қолдиришдир. Ҳозирга кунда ялпи ядро урушн хавфи ҳамон таҳликали ҳолатда сакланиб қолмоқда. Кейинги йилларда "совуқ уруши" га аста - секин чек қўйиш имконияти реаллашиб бормоқда, бироқ атроф - муҳитни "муҳофаза қилиш" муаммоси биринчи уринга чиқди. Маълумки, инсон саломатлигининг даражаси турмуш тарзи чамбарчас боғлиқ. Саломатлик инсонларнинг турмуш даражасига, жамиятнинг ижтимоий иқтисодий тараққиётига кўп даражада боғлиқдир. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, аҳоли саломатлигининг 50 фоизи турмуш тарзига, қолган фоизи атроф - муҳитга атайин кўра била туриб, кўр-кўронарона зарар етказиш, унинг эҳсонларидан аёвсиз фойдаланишида оғир асоратлар қолдириши мумкин.

Минтақада вужудга келган экологик вазият инсон ҳаётий фаолиятнинг ижтимоий ва биологик томонлари ўртасида зиддиятли жиҳатларни вужудга келтиради. Оқибатда патологик ҳолатлар пайдо бўла бошладик, инсон яшаётган ижтимоий муҳитнинг ҳолати аҳолининг соғлигига жиддий таъсир эта бошлади. Атроф - муҳитнинг ёмонлашиб бораётганлигининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамияти янада яққол намоён бўлмоқда, шунинг учун ҳам экологик фаоллик маъсулияти ошириш инсон ҳаёти даражасини оқилона ташкил қилишнинг субъектив омили сифатмда муҳим амалий аҳамиятга молик масаладир. Экологик фаоллик ва масулият муаммосини тадқиқ қилишнинг долзарблиги Ўзбекистоннинг Урта Осиё республикалари ичида иқтисодий, географик, демографик этнографик хусусиятлари ва экологик муносабатларидаги ўрни билан

белгиланади. Тоталитар тузум даврида минтақада ишлаб чиқарниш жараёни миллионлаб тонна пахта билан белгиланиши оқибатида республикамызда экологик соҳасида номутоносиблик вужудга келди. Бутунги кунда биосфера мувозаятининг бузилиши, иқлимнинг кескин ўзгариши сустрашаётгани кундалик турмушимизга хавф солмоқда. Кейинги 30-40 йиллар давомида йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, аграр саноати ва бошқа кўпгина соҳаларни атроф - муҳит чиқиндиларидан муҳофаза қилиш, уни ифлосланишидан сақлаш чораларига мутлақо эътибор берилмай келинди.

Бошқа экинлар ҳисобига пахта майдонларининг кенгайиши, алмашлаб экиш усулига амал қилмаслик, экологик ва ижтимоий оқибатлар эътиборга олинмаслиги туфайли 30- 35 % қора тупроқли ер яроқсиз ҳолга келтирилди. Ҳозирда суғориладиган ерларнинг 40 фоизигина қора тупроқли ерларни ташкил этади. Мазкур йилларда Ўзбекистонда захарли химикатлардан фойдаланиш 15-20 марта кўпайди, баъзи йилларда ҳар гектар экинзор учун 350-400 кг захарли химикат қўлланилди, захарли химикатлардан бир неча марта кўп эди. Ерларнинг қайта шўрланиши ва сувнинг яроқсизланиши ҳақиқий кулфатга айланмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер миқдори қисқариб бормоқда.

Масалан; 50 - йилларда киши бошига 0.5 га, 70- йилларда 0.4 га, 80- йилларда 0.2, ҳозирда 0.15 га ер тўғри келади. Асосий табиий бойлик бўлган ер ва сувга нисбатан хўжасизлик кайфиятини вужудга келиши натижасида минтақадаги ичимлик сувининг асосий манбалари - Амударё ва Сирдарёнинг пестицидлар билан хатарли равишда булғаниши ва туз босиши давом этмоқда. Хоразмда 50%, Қорақалпоғистонда 30% ерларни шўр сув босган. Сузот сувларнинг сатҳи эса 2-3 марта кўтарилган. Ҳозирги экологик вазият илмий асосланган экологик онгни шакллантиришни тақозо этади. Бу жараёнда инсонни жамият - табиат тизимида ўзаро муносабатларини мақбуллаштириш билан боғлиқ бўлган аниқ фаолиятга жалб этиши энг муҳим вазифадир.

Жамият тарихининг муайян босқичларида инсон ўз ижтимоий мақсадларини амалга оширишда табиат бойликларига восита сифатида қараган. Хозирги кунга келиб эса табиат бевосита моддий эҳтиёжларни қондириш манбаидан инсониятнинг омон қолишининг усули ва шароитига айланди.

Ташқи муҳитнинг асосий омилларидан бири бўлган сувнинг организмга, турмушга таъсири ва касаллик келтириб чиқарадиган роли жуда катта. Орол денгизи сатҳининг пасайиб кетиши Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш соҳасида ўн йиллар давомида ўтказиб келинган беъмани сиёсат натижасидир. Чунончи сув сарфи мамлакатлар тараққиёти, уларнинг маданий даражасига ҳам боғлиқ.

Асримизнинг 50 - 60 йилларида Орол денгизига Амударё ва Сирдарёдан ҳар йили 58 куб км, ёнғин - сочин ҳисобидан 108 куб км сув қуйилган. Табиий бўғланиш эса 67 куб км ташкил этган. Умуман 1958-1986 йиллар мобайнида Орол денгизига қуйиладиган сув миқдори 58 марта қисқарган. Орол денгизини ҳозирги сув сатҳини 1965 йилга қиёслаганда 15.8 марта пасайиб, ҳажми 1062 км² гача камайди. Ю . Шодиев. Ижтимоий экологияга кириш. 1994, 205 - бет Денгиз юзасининг майдони 66 км² дан 26 минг км² га қисқарди, ҳар литр сувдаги туз миқдори 10 граммдан 30 граммгача кўтарилди. БМТ экспертларининг фикрича, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди ва у инсон, умуман йирик мавжудод ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оролдан кўтарилаётган чанг -тўзонлар таъсири ҳатто Покистонда ҳам сезилмоқда. Энг хавфлиси шундаки, Орол денгизи Ўрта Осиёдаги энг йирик туз омборига айланаётир, чунки Амударё ва Сирдарёга тушган оқова сувлар билан бирга йилига денгизга 210 - 234 миллион тонна ҳар хил минерал келиб тушади, уларнинг миқдори йил сайин ошиб бормоқда .

Бунинг

натижасида Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг 60% шўрланган. Минтақада яшовчи аҳолининг ижтимоий - иқтисодий ҳаёт даражаси, сihat - саломатлик кўрсаткичлари ёмонлашмоқда. АҚШда бир неча ёшгача бўлган ҳар минг боланинг 10.3 нафари нобуд бўлаётган бир пайтда, Орол бўйи болалари орасида бу кўрсаткич 104 - 108 тага етди. Кейинги йигирма йилигида аҳолининг ўлим даражаси икки марта ортди. Ҳомиладор аёлларнинг 80 % кам қонлик билан касалланган. Орол денгизи билан боғлиқ бўлган экологик оқибатлар ва истиқболлар ҳақида олимлар олдиндан башорат қилган эдилар. Йирик рус географи А. И. Бойков 1903 йилда Ўрта Осиёда суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши Орол денгизи сатҳининг пасайишига олиб келди, деб башорат қилган бўлса, асримизнинг 40 йилларида олимлардан В.П.Захаров, В.Л.Шуль, А.Б.Бостанжогли Қарши чўлининг ўзлаштирилиши ва Зарафшон дарёси водийсида ирригация ишларининг кенгайтирилиши Амударёдан кўп миқдорда сув олишни талаб қилди, натижада денгиз сув сатҳи 14 метр пасайиб, майдони 38 мартага қискарди деган хулосага келган эди. Кейинги вақтларда жаҳон жамоатчилигининг Орол денгизи экологик муаммоларига диққат - эътибори кучайди. 1990 йил 2 - октябрда Найробида БМТ ташаббуси билан табиатни муҳофаза қилиш ва дипломатик маҳкамаларнинг кенгаши Орол денгизи Нукус шаҳрида " Орол инқирозининг вужудга келиш сабаблари ва ҳал қилиш йўллари " мавзусида халқаро симпозиум ўтказди.

. 1993 йил март ойида Қизил Ўрда шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви энг мураккаб масалаларидан бири - Орол бўйидаги экологик тангликка, Орол фожеаси оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжihat ишлаш чора - тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланди.

Вазиятни яхшилашга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Учрашув қатнашчилари бу фожеа Ўрта Осиё давлатларигагина дахлдор бўлиб қолмай, жаҳоншумул аҳамиятга эга, уни кўпгина давлатларнинг куч -

ғайратлари, молиявий, илмий - техникавий имкониятларини бирлаштириш йўли билангина бартараф этиш мумкин, деган хулосага келдилар. Анжуманда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи кенгаш тузилди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Социализмда табиий бойликларга, хусусан, ерга бўлган ижтимоий мулкчиликнинг шакли оммавий маъсулиятсизликни, худбинликка асосланган экологик муносабатни вужудга келтирди.

Бу муносабат жамиятнинг сиёсий, маъмурий, ҳуқуқий ҳукмрон устқурма элементлари билан ҳимоя қилинди ва рағбатлантирилди. Натижада асрлар давомида шаклланган ердан оқилона фойдаланиш маданиятига путур етказилди. Энг муҳими табиатга нисбатан шафқатсизлик билан муносабат кишиларда тежамкорлик, сарҳисоблик каби хислатлар ўрнига маъсулиятсизлик, исрофгарчилик хусусиятларининг шаклланишига сабаб бўлди. Бу инсонни ўзининг хатти - ҳаракатига жавоб бермасликка ўргатди. Ҳозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий - сиёсий ўзгаришлар ерга экологик маданий муносабатнинг муайян шарт - шароитларини яратмоқда.

Ерга мулкчилик аграр сиёсатнинг муҳим масаласидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлмоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мулкчилик шакллари анча ўзгарди. Иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш даврида аҳоли фойдаланиши учун қўшимча суғориладиган ер яратилмоқца. Шахсий томорқа учун 700 минг гектар суғориладиган ер ажратиб берилди.

Бу 70 йил давомида ерга эгасизликнинг натижаси бўлган экологик зиддиятларни бартараф эта олмайди. Бугунги кун муаммоси киши ҳдёти ва саломатлиги учун нокулай ташки муҳит омиллари таъсирини камайтиришдан иборатдир. Бу инсоннинг узи яшаётган муҳитга мослашуви муаммоси билан боғлиқ,. Шахарларда эса маъмурий,

хукукий, ижтимоий, жамоат ташкилотлари экологик вазиятни кузатиб, бошқариб боради.

Ишлаб чиқаришнинг марказлашуви бунинг учун зарур имкониятларни яратади. Қишлоқда ишлаб чиқаришнинг тарққидиги бевосита табиат билан боғликлиги назорат доирасини чегаралайди. Бундан ташқари қишлоқ, меҳнаткашлари иқтисодий жиҳатдан анча қийин шароитда яшайди. Бу ахрли турмуш тарзи ва саломатлигига салбий таъсир курсатади. Экологик муносабатлари сабаб - оқибат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш услубий аҳамиятга эга. Зеро, бир томондан экологик муносабатлар табиатни муҳрфаза қилиш эҳтиёжларини қрндириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий - иқтисодий муносабатларнинг экологиялашувини ифодаласа, иккинчи томондан " Экологик муносабатлар инсон ижтимоий ҳдёт фаолиятининг объектив шароити " бўлиб ҳисобланади. У уз навбатида, қишлоқларнинг ижтимоий ва биологик ҳаёт фаолиятига жиддий таъсир курсатмоқда. Оқиб борилган тадқиқотлар ахрли уртасида касалланишнинг узиши минтақада экологик мувозанатнинг бузилиши билан бевосита алоқадор эканлигини курсатмоқда. Экологик муаммолар давр ва асримизнинг муаммоси бўлсада, унинг узишга ҳос минтақавий хусусиятлари ҳдм бор. Жумладан, Ўрта Осиёнинг иссиқ, ва қуруқ иқдими, ичимлик суви тақчиллиги, мураккаб демографик жараёнлар қишлоқ турмуш фаолиятининг ижтимоий - иқтисодий шароитларни ёмонлашувчи омил бўлиб қрлмоқда. Ҳрзирги кунда атмосферада содир бўлаётган физик, кимёвий ва биологик узғаришлар йирик организмга, жумладан инсон соғлигига, унинг меҳнат қобилятига, ҳаётий фаолиятига умрнинг қисқаришига таъсир кўрсатмоқда. Атроф - муҳитнинг, шу жумладан атмосфера ҳавосининг кўпдан кўп саноат қорхоналари, автотранспорт воситалари, турмушимизнинг кўпгина жабҳаларида фойдаланиладиган кимёвий моддалар қишлоқ ҳўжалигида минерал ўғитлар ва кимёвий бирикмаларни ҳаддан ташқари кўп қўлланилаётганлиги ва антропоген омиллар туфайли ифлосланишининг

кескинлашиб бориши аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан Фарғона ва Қўқон шаҳарларида атмосферанинг ифлосланиши меъёридагидан 5 - 10 марта кўпдир. Транспорт воситаларининг ҳавони газ чиқиндилари билан булғашининг меъёридагидан 5 -10 марта ортиб кетиши теварак муҳитга салбий таъсир этмоқда. Биология фанлари доктори, профессор Г. Хамидовнинг таъкидлашича, йил давомида Фарғона шаҳрида ҳавога - 190, Андижон ва Наманганда 50 - 60, Қўқонда 45 - 50 минг тонна захарли моддалар чиқарилмоқда. Карбонат ангидриди миқдорининг меъёридан 5 -6, азот оксидиники 1,5-2, симобник 9-10, кадийники 3 - 4 мартаба юқори эканлиги аниқланди. Айниқса, ҳаво таркибида бром, рух, хром, темир элементларининг миқдори кўпайиб кетган.

Водий тупроқ қатламлари кўрғошин, кадмий, маргансу, мис, рух ва нефт маҳсулотлари чиқиндилари билан ифлосланган. Бундан ташқари, водийда оқава ва ер ости сувлари ифлосланган, сув таркибида бром, кўрғошин, симоб, мишъяк кабилар миқдори ортиб бормоқда. Булар инсон саломатлиги учун жиддий хавф солмоқда. Демографик жараёнлар соғлом турмуш тарзини шакллантиришига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги - 1992. 8 - 9 - сонлар.38 б. Аҳолининг саломатлиги, аҳолининг ҳаёт фаолияти каби демографиянинг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу хусусия янги авлодлар кўпайишининг миқдор ва сифатига қараб белгиланади. Минтақамиздаги демографик суръат, кишиларнинг турмуш тарзи уларнинг табиий камайишига олиб келиши мумкин. Бу камайиш инсон турмуш фаолиятининг ижтимоии -биологик жиҳатлари ўртасидаги қарама - қаршилиқларга олиб келади. Бу қарама - қаршилиқлар эса демографик ва экологик вазият билан биргаликда инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Юқорида таъкидланганидек, табиий - экологик муаммони ҳал қилиш экологик шароитни яхшилаш, демографик ҳолат билан боғлиқ. Аҳолининг табиий ўсиши конуспуесида аҳоли саломатлигини ва экологик шароитларни муҳофаза этиш мужассамлашган.

Амалиёт ижтимоий -иқтисодий шароитларни, экологик вазиятни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тақазо этади. Бизнингча, экологик ҳолатни тубдан яхшилаш учун, биринчи навбатда аҳолида экологик тафаккурни, ҳар бир ишга экологик ёндашувни, экологик маданиятни тарбиялаш, илмий жихатдан асосланган экологик онгни шакллантириш, тиббий - гигиеник билимлар ҳақида таълим - тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, ҳавони ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва унга қарши кураш чораларини кўриш; Транспорт воситаларини газ билан ишлашга ўтказиш, шунингдек завод ва фабрикаларни улардан чиқаётган захарли газ ва чангларни ютувчи замонавий ускуналар билан жихозлаш шаҳарларни, кўплаб кўриқхоналар, миллий боғлар барпо этиш, шунингдек, атроф - муҳитни озода асраш, хонадонни, жамоат жойларини, табиатни тоза сақлаш кўникмасини шакллантириш, аҳоли турмуш маданиятини яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланиб, аҳолини ичимлик суви билан тўла таъминлаш; тиббий хизматни замон талаби даражасига кўтариш лозим. Демак ўқувчиларда болаларни экологик маданиятини шакллантириш учун қўйидаги педагогик шарт - шароитларни оилада яратиб бериш зарур.

Булар қўйидагилар: 1 - жадвал.

1. Ота - оналарни экологик тафаккурини ҳосил қилиш.

Педагог тарбиячиларда ҳаётдаги ҳар бир ишга экологик ёндашувини таъминлаш.

2. Ота - оналарда ва аҳолини экологик маданиятни тарбиялаш.

3. Ҳар бир болада илмий асосланган экологик онгни шакллантириш.

4. Коллежда бола тарбиясида тиббий - гигиеник билимлардан унумли фойдаланиш.

5. Коллежда экологик муҳитни бузилишига йўл қўймаслик.

6. Коллеж худудида кўкаламзорлаштиришни кенгайтириш.

7. Коллеж томорқасида боғлар ташкил этиш.

8. Синфда тозаликка доимо риоя қилиш.

10 Хонадонни ва табиатни тоза сақлаш кўникмасини аввало ота – оналарда шакллантириш.

11 .Ота - оналар орасида соғлом турмуш маданиятини яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини узлуксиз тарғибот қилиб бориш.

12.Коллежда тоза ичимлик суви бўлишни таъминлаш.

13.Оила аъзоларини саломатлигини муҳофаза қилишда ота - оналар масъуллигини ошириш.

Бу вазифаларни оилаларда амалга ошириш ёш болалар ўртасида кенг тарқалган турли юқумли ва аллергия касалликларни камайишига олиб келади. Табиат мувозанатини сақлашда ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси катта аҳамиятга эга. Афсуски, кейинги пайтларда ҳудудимизда ўнлаб ўсимликлар ва ҳайвон турлари йўқолди, ҳозирда Ўзбекистон Қизил китобига киритилган 300 дан зиёд ўсимлик, 70 дан ортиқ ҳайвон турлари эса йўқолиш арафасида. Республикамиз қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан ўта қониқарсиз даражада фойдаланилмоқда. Сувдан фойдаланишнинг энг асосий муаммоларидан бири ер ости сувларидир, аҳолини този ичимлик суви билан таъминлашда улардан ишончли манба сифатида фойдаланилади. Айрим ҳолларда саноат, қишлоқ хўжалигида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Орол денгизи, қўшни дарёларнинг сувидан фойдаланиб бўлмайди, чунки бу сувлар ифлосланган ва шўрдир. Ерларнинг туз билан борган сари қоплашиб бориши, табиий экологик ўзгаришларнинг миқдори ва сифатининг мураккаблиги ҳам шундандир. Касб ҳунардонларнинг коллежида ўсиб келаётган болаларни экологик маданиятини шакллантириш учун бизнингча биринчи навбатда;

- Аҳолимиз орасида экологик маданиятни тарбиялаш;
- Ҳалқнинг тарихан таркиб топган экологик маданий меросини ўрганиш;
- Атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- Ҳом ашё, энергия, меҳнат ва сув ресурсларини сарфини қисқартириш;

- Чикитсиз технологияга ўтиш;
- Яроксиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан воз кечиш;
- Инсон яшаб турган муҳит барқарорлигини асраш билан инсон саломатлигини нормал ҳолатда сақлаб қолиши мумкин;

Ўзбек оилаларида санитария - гигиеник ахволни яхшилаш, атроф - муҳит мусоффолигининг сақлашнинг асосий омилларидан бири ишлаб чиқаришни чиқиндиларини зарарсизлантириши ва ундан фойдаланишни йўлга қўйишдир. Ер ости фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш натижасида кўплаб чиқиндилар қоладики улар фақат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ерларни эгаллаб қолмай, кўпроқ ҳосилдорлигини ҳам камайтиради, ер ости ва ер усти сувларини ҳамда ҳавони захарлайди. Республикамиз ҳудудида 23 дан зиёд шундай майдонлар бўлиб, ҳар йили у ерда 30 млн.м³ чиқинди тўпланади. Бундай чиқиндилар ҳеч қандай қоидага амал қилинмаган ва ҳеч қандай экологик ҳолатни эътиборга олмаган ҳолда тўпланади. Кўп ҳолда бу чиқиндилар ёндириб юборилади, ва у вақтда ўчирилмайди, баъзан бульдозер билан суриб ташланади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар йўқ.

Албатта бундай шароитда атроф - муҳит кўпроқ зарарланади. Бугунги кунда ишлаб чиқаришга ва ноишлаб чиқаришга оид чиқиндилардан ифлосланиши кучайиб бормоқда. Чиқиндиларнинг кўпайиши аҳоли соғлигига салбий таъсир этмоқда. Бу ҳолат вирусли гепатит, ўткир юқумли ичаккасаллиги, терлама ва бошқа юқумли касалликлар билан бир неча ўн минглаб кишиларнинг касалланишига олиб келади. Тиббиёт олимларининг башорат қилишларича ўткир юқумли ҳамда вабо касаллиги билан касалланиши келгусида ҳам сақланади. Бу ҳолатнинг олдини олувчи ҳар томонлама илмий асосланган дастур тайёрланган, уни амалга оширишнинг биринчи вазифаси аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик сиёсат, экологик маданият асосини шакллантиришга қаратилган. Экологик маданиятни

шакллантиришда Ўзбекистон Канситутциясидаги "Фуқаролар табиий атроф - муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар". (50 модда). "Ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиши зарур ва улар давлат муҳофазасидадир" (100 модда) каби қонунлар аҳамияти катта. Жамият билан атроф - муҳит ўртасидаги ўзаро таъсирни мақбул ҳолга келтириш кишилар экологик тафаккурининг етуқлигига, улар ижтимоий фаолиятининг экологик омиллар аҳамиятини англаб етиш даражасига боғлиқ. Чунки табиатнинг ўзи шахснинг рухий ва ахлоқий - эстетик жихатдан ривожланишига таъсир этиб, уни экологик нуқтаи назардан тарбиялаб боради. Экологик тарбиянинг асосий мақсади кишиларда, айниқса ўзбек оилаларидаги ёшларда, экологик маданиятни шакллантириш, табиатига оқилона муносабатда бўлиш жамиятни ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлигини, табиат қонунларини чуқур англашидан иборат. Республикамизда экологик таълим ва тарбия қўйидаги йўналишида амалга оширилмоқда:

- умумий экологик тарбия;
- атроф - муҳитга таъсир этувчи саноат корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кадрларни тайёрлаш;
- конкрет экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари билан шуғулланувчи эколог мутахассисларни тайёрлаш ;

Бу йўналишдаги конкрет вазифаланинг ҳал қилиниши узлуксиз жараён бўлиб, унинг асосий мақсади - жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий тараққиёти барқарорлигини таъминлаш ва биосферани сақлаш ҳамда шу муҳитда инсон салосатлиги учун шароит яратишдан иборат. Ҳозирги кунда республикамизда олий - ўқув юртларида қўйидаги соҳалар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга киришилди: табиат экологияси ва муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш иқтисоди, теварак - атроф муҳитини муҳофаза этиш ва табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, сув таъминоти, муҳофаза қилиш, сифатини стандартлаш ва бошқарув. Буларни амалга ошириш инсонни табиат билан муносабатини уйғунлаштиради. Шу

асосда кишилар табиат, ҳаёт, соғлиқ, жисмоний ва маънавий баркамоллик улар учун нақадар зарурлигини англай бошлайдилар.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш ва жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги туб ислохотлар соғлом турмуш тарзининг моддий, маънавий асосларини ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

2.2. Касб-хунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятини шакллантиришнинг илмий - амалий асослари.

1. Ўзбек oilаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг илмий - амалий асослари деб номланган бўлимда ўзбек oilаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг шакл, усул ва воситалари ҳамда мазкур жараенда oilа, таълим муассасалари ва ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр мулоҳазалар илгари сурилган. Ўзбек oilаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган фаолият (бу ўринда раҳбарлик тажриба - синов ишларига жалб этилган респондент oilа - oilалар томонидан олиб борилади).

РЕСПОНДЕНТЛАР - тажриба - синов ишига жалб этиладиган шахслар.

2. Оммавий ахборот мазмунидаги тадбирлар-маъруза, баҳс-мунозара, учрашув, суҳбат вахоказолар.

3. Амалий тадбирлар - "Атроф - муҳит ва ҳуқуқ", "атроф муҳит ва инсон саломатлиги", "Сув ҳаёт манбаи", "Қанотли дўстлар – табиат санитарлари", Атмосфера мусаффолиги экотизим мавжудлигининг кафолати", "Тупроқ тирик мавжудод бешиги", "Яшил табиат - гўзаллик тимсоли", "Табиат ва ахлоқ", "Биосфера ва сиёсат", "жонажон ўлка табиати", "Менинг ўлкам (қишлоғим фаҳрим) биоценози", мавзуларида ижодий ишлар (реферат, шеър, насрий ҳамда тасвирий асарлар) танлови, экологик экскурсия ва экспедиция, экологик картани яратиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш вахоказолар;

4. Якка тартибда олиб бориладиган тадбирлар - oilа болалари билан

суҳбат, экопедагогик маслаҳат, экологик мазмундаги муайян топшириқларни бериш ва бошқалар.

Ўзбек оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган фаолият жараёнини ташкил этилишида қўйидаги субъектларнинг фаоллик кўрсатишлари масаланинг ижобий ечимини таъминлашга олиб келади.

1. Ўқув таълим муассасалари (болалар боғчалари, умумий ўрта таълим, касб - ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари (мактаб, академик литцей, ва касб - ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари);

2. Илмий ва ишлаб чиқариш муассасалари (экологик муаммоларни тадқиқ этувчи илмий марказлар, илмий - тадқиқот институтлари, ҳавога чиқараётган захарли газларни тутиб қолувчи ҳамда сув сифатини таъминловчи фильтрлар, экинларни ёмғирлатиб суғоришга имкон берувчи қурилмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, тиббиёт муассасалари);

3. Экологик хавфли ҳудудларда экологик муаммоларни бартараф этиш ишини ташкил қилиш жараёнида иштирок этувчи халқаро донорлик ташкилотлари;

4. Республикада фаолият юритувчи ижтимоий ташкилотлар - ЭКОСАН Халқаро жамғармаси, Соғлом авлод маркази, Орол ва Орол бўйини ҳимоя қилиш Қўмитаси, Орол халқаро хайрия жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, Касаба уюшмалари республика ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, болалар ташкилотлари ва бошқалар.

Илмий - тадқиқот ишимизнинг "Ўзбек оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шаклланганлик даражасини ота - оналар ва болалардаги мавжуд ахволи ва тажриба - синов ишларининг қўйилиши" номланган бўлимида режага асосан танлаб олинган.

Маҳаллада ўттизта хонадон танлаб олинди. Аввало ўша ўттизта хонадон ота - оналарини экологик билим даражалари тузилган мезон саволлари асосида мавжуд ҳолати тажриба - синовдан ўтказилади. Сўнгра касб- ҳунар

коллежи ўқувчи болаларидан 56 нафарини экологик билимларидан хабардорлик даражаси савол - жавоб йўли билан аниқланади.

Назорат гуруҳидаги ота - оналарнинг экологик билимлар даражаси. (Назарят гуруҳи).

4- жадвал

№	Илмий тадқиқот ишларида қатнашадиган респондентлар (ота-оналар)	Жами	Паст жавоб берди	Ўртача жавоб берди	Юқори жавоб берди	Ижобий
1	Назорат гуруҳида қатнашган ота-оналар респондентлар сони:	52	32	11	9	
2	Шундан оталар	30	20	5	5	
3	Шундан оналар	22	12	6	4	
4	Жами	52	32	11	9	17%

№	Илмий тадқиқот ишларида қатнашадиган респондентлар	Жами	Паст жавоб берди	Ўртача жавоб берди	Юқори жавоб берди	Фоиз ҳисобида
1	РЕПОНДЕНТЛАР	64	38	16	10	15.6%

Демак, тажрибадан шу нарса аён бўлмоқдаки, ота - оналарда ва болаларда мавжуд экологик билимлар даражаси жуда паст натижани курсатади. Виз тадқиқотимизни назарий билимларига асосланган ҳолда маъмур респондентлар иштирокида экологик билимларни ташвиқ қилишни турли шаклларида режа бўйича фойдаландик. Хонадонларга табиатни муҳофаза қилиш, табиат иноми, сув ва ҳаво манбаи, тупроқ. мавжудод бешиги сингари илмий

- услубий адабиётлар ва плакатларни етказиб бердик, укиб урганишга тавсия этдик. Иккинчи олиб борган ишимиз шу булдики, вилоят экасан ташкилоти вакили, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси ва эколог - олимлар гуруҳднн уша тадқиқот объектимиш мах.алласига таклиф этдик ва респондентлар билан учрашув ташкил этдик. Учрашув сунгида " Табиатни асранг " номли видеофильм намоиши уюштирдик. Тадқиқотимишни учинчи босқичида респондент - уқувчилар уқийдиган мактабда улар билан биолог - эколог уқитувчилар, илмий тажриба - синов ишлари якунида респондент ота - оналар ва болалар уртасида яна қайта мезон саволлари орқали савол - жавоб олиб бордик. Натижалар тадқиқот мақсадига мос келадиган бўлди.

Тажриба гуруҳидаги ота - оналарни, болаларнинг экологик билимлар даражаси.

5-Жадвал

№	Респондентлар ҳақида	Жами	Паст жавоб берди	Ўртача жавоб берди	Юқори жавоб берди	Фоиз ҳисобида	Ижобий
1	Ота –оналар	58	12	16	30	50.2	33%
2	Оиланинг ўқувчи болалари	71	14	18	39	55%	39%
3	Ота-оналар ва болалардан иборат респондентларжами	129	26	34	69	50.2	36%

Демак олиб борган тажриба - синов ишларимишни натижаларидан шундай хулосага келдик. Ўзбек оилаларида ота - оналар ва ўқувчи - болаларни экологик маданиятини шакллантириш учун уларга қўшимча экологик билимлар бериш ва турли экологик тадбирлар уюштириш зарур экан. Битирув малакавий иш муаммонинг мавжуд ҳолати тажриба натижаларига кўра ёритиб берилди.Тажриба - синов ишларини моҳиятини ёритилишига алоҳида

эътибор берилди. Тажриба - синов ишларини махсус дастур асосида ташкил этилиши, шунингдек дастурда ўз ифодасини топган мавзулар бўйича уюштирилган тадбирларнинг ҳаётийлигини таъминлашга қарашилган уриниш амалий фаолиятида ижобий ечимга эга бўлди. Тажриба - синов ишлари якунида респондент ота-оналар ва болаларнинг экологик билимлар даражаси 39-% ота- оналарни экологик тушунчалари 33 - фоизга ошганлигини кўрсатмоқда. Бу респондентлар билан қўшимча олиб борилган учрашувлар, маърузалар ва видеофильмларнинг натижасидир.

Демак, ўзбек oilаларида болаларни экологик маъданиятини тўла қонли шакллантириш учун ота - оналар ва oilани бошқа катта ёшдаги фойдаланиш ижобий аҳамиятга эга. Зеро, улар мазмунида акс этувчи ғояларнинг ҳалқ рухиятига яқинлиги, таъсирчан кучи мактабда ташкил этилаётган экологик тарбиянинг самарали кечишига замин яратади. Педагогларни коллежда ташкил этилаётган экологик тарбия жараёнида миллий кадриятлар ва ҳалқ педагогикаси ғояларидан самарали фойдалана олиш тажрибасигаэга бўлишлари ҳам муофаққият гарови саналади.

4. Айни вақтда коллежларда болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришга қаратилган фаолиятни йўлга қўйиш бугунги кун талаби даражасида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири

- Педагог тарбиячилар томонидан экологик билимларни пухта

- ўзлаштирилмаганлиги;

- Айрим педагогларни ўқувчиларга экологик тарбия бериш тажрибасига эга эмаслиги билан изоҳланади.

5. Касб хунар коллежи ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш борасида олиб борилган тадбирларнинг шакл ва ғоя жихатдан ранг - баранг бўлиши болаларда экологик билимларни ўрганишга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишни уйғотибгина қолмасдан, балки улада табиат, атроф - муҳит муҳофазасини таъминлаш йўлида муайян фаолиятни ташкил этиш (кўчат экиш, гулларни парвариш қилиш, сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик ва ҳ.к.) борасидаги муайян кўникма ва малакаларнинг таркиб топишига олиб келади.

6. Oilанинг ўқув таълим муассасалари, ижтимоий ташкилотлар,

шунингдек, жамоатчилик ҳамкорлигига таянган ҳолда иш юритишни кўзлаган мақсадга эришиш муоваққиятини таъминлайди. Ҳамкорлик асосида коллежда болаларнинг экологик билимларини ошириш, экологик фаолиятга жалб этиш, экологик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган амалий фаолиятни ташкил этиш, аъзоларида болаларга бериш учун экологик билим, малака ва кўникмалар етишмас экан.

III-БОБ. Педагогик қисм.

3.1 Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида инновацион технологияларидан фойдаланиб, экологик маданиятни шакллантириш-педагогик муаммосини ҳал етиш.

Битирув малакавий ишимнинг кириш қисмида ўрганилаётган мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқ этилаётган мавзунинг ўрганилганлик даражаси очиб берилди. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий фразалари, илмий янгилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, шунингдек ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар юзасидан сўз юритилди. Бу бўлим "Ўзбек оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантириш - долзарб педагогик муаммо сифатида" деб номланиб, бунда ўзбек оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришда миллий қадриятлар: сув, ер ва табиатни муқаддаслиги ва халқ педагогикасида ота - боболаримиздан авлод -авлодга ўтиб келаётган ўғитлар: сувни ифлосламаслик, дарахтларни синдирмаслик ва уни кўпайтириш, уй ҳайвоними ёки йоввойи ҳайвонми ўлдирмаслик, табиатни кўкаламзорлаштириш орқали табиатни бойитишга хисса қўшиш, ўсимлик ва ҳайвонларни уйда хонакилаштириб боқиб парвариш қилишдек насиҳатларини оиладаги ёш болалар онгига афсоналар, хикоятлар,эртақлар, аллалар ва қўшиқлар орқали сингдириб, уларда она табиатга меҳр - иухаббат уйғотиш жуда муҳимдир.

Ўзбек оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантириш -узок муддатли, мураккаб, икки томонлама алоқадорлик ҳамда динамик ва малакаларнинг ўзлаштиришлари, фаол экологик фаолиятни ташкил этилишига эришса бўлади.

Аниқ мақсадга йўналтирилган мазкур жараёнда қуйидаги ижтимоий - педагогик вазифалар амалга оширилиши керак. Аввало;

1. Ўзбек оилаларида ота - оналарнинг экологик билимдан хабардорлигини махсус мезонлар асосида аниқлаш.

2. Ўзбек оилаларида ота - оналар ўртасида экологик билимларни

тарғиб этиш, уларни экологик фаолиятга жалб қилиш орқали оила шароитида экологик таълим тарбияни ташкил этиш борасидаги муайян тажрибага ота - оналар эга бўлишларига эришиш мақсадга мувофиқдир.

3. Касб хунар коллежи ўқувчиларини ота - оналари ва боғча тарбиячилари орқали экологик билимлардан хабардор этиш.

4. Болаларда эртаклар, маталлар, қўшиқлар, бадий филмлар, мультфилмлар орқали табиат ва атроф - муҳит ўзгаришлари, унинг сабаб ҳамда оқибатлари борасидаги тасаввурни ҳосил қилиш.

5. Болаларда инсон фаолияти туфайли табиат ва атроф - муҳитга етказилаётган зарарни тушунтириш ва уларга қарши курашиш хиссини уйғотиш. Суғориладиган ер майдонини кенгайтириши, завод ва фабрикалар фаолияти, кимё саноатини ривожланиши ва ҳакозолар.

6. Болаларда экологик фаолиятни йўлга қўйиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.

7. Болаларнинг табиат ва атроф - муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган ижтимоий - амалий фаолият жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

Мавзунинг педагогик муаммоси сифатида ташкил этиладиган фаолият жараёнининг фаол субъектив болалар ва ота - оналар шунингдек, оиланинг ёши катта, муайян ҳаётий тажрибага эга ёки экологик билимлардан хабардор аъзолари иштирок этадилар.

Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор берган ва бермоқда.

Инсон борлиқдаги нарсалар ичида энг улуғи ҳисобланади. Инсонни улуғлаш, уни қадрига етиш, айниқса ёш авлодни камолотга етказишда миллий - маънавий маданиятимизнинг тикланиши ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Фикримизнинг далили сифатида айрим алломаларнинг ахлоқ - одоб

бобидаги фикрларини эсга олайлик.Абу Наср Фаробий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради. У "Бахт - саодатга эришув ҳақида" ги рисоласида ёлғиз бир кишини ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) камолотга эришиши мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хусусияти бор, одам жинсидан ҳар қандай инсоннинг ахлоқи шу у ҳар қандай камолотга эришишида бошқаларнинг кўмагига ва улар билан бирлашишига муҳтож ёки мажбурдир, дейди Ал - Бухорий: " Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик - мана шу тўрт хислатни Аллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам зарари йўқдир. Оила ёшларни ахлоқли, одобли, ростгўй, меҳнатқаш, ҳалол ва самимий бўлиб вояга етишлари учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси болани келажакда ким бўлиб етишида муҳим ўринтутади. Демак, бола оилада жамиятнинг қиёфасини кўради, бўлажак фуқароларнинг табиати, дунёқараши ва ахлоқий қиёфаси оилада шаклланади, ҳамда шунга кўра камол топиб боради.

Бола учун оиладаги соғлом ижтимоий - муҳит маданий - маънавий, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, ижтимоий тажриба ва малака, кўникма манбаидир. Бу тарбия жараёнида таркиб топади. Тарбиянинг моҳияти болани ҳаётга тайёрлашдан иборат. Чунки оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига ҳиссиёти ва туйғуларига чуқур таъсир кўрсатади.

Оиладаги маънавий - руҳий муҳит бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Оила аъзоларининг турмуш тарзи кўп ҳолларда фарзандларнинг руҳий кайфияти, тасаввури ва ҳиссиётларини белгилаб беради. Демак, оила соғлом, баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишга жамият олдида маъсулдирлар.Аммо, Шўролар даврида ижтимоий тарбияга кўпроқ аҳамият берилиб, оилавий тарбиянинг

миллий жихатлари камситилиб, асосан Ғарб турмуш тарзи, тарбия усуллари тарғиб этилади. Натижада ўз заминидан узилган миллий тарбия жараёнида маънавий бўшлиқ юзага келди. Оқибатда оилавий муносабатларидаги номутаносибликлар, айрим ота - оналарнинг ичкиликка ружу қилиши, оилавий жанжал - можоролар бола тарбиясига салбий таъсир қилди ва фарзандлар кўз ўнгида ота - онанинг образи тўкилди. Олимларимизнинг хулосалари бўйича оилавий тарбиянинг камчилиги ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидагилардир;

1. Болаларга катталар томонидан диққат - эътиборнинг етишмаслиги;
2. Фарзандлар билан мулоқотда бўлиш истагини йўқлиги;
3. Ота - оналар билан фарзандлар ўртасида самимийликка икки томонлама интилишнинг етишмаслиги;
4. Ота - онанинг ўғил ва қизларга нисбатан лоқайдлик билан муомила қилиши;
5. Оталик ва оналик меҳр - мухаббатининг беқарорлиги;
6. Ота - оналар шахсий қизиқишларининг бир - бирига мос тушмаслиги;
7. Ота - оналарнинг беқарор хис - туйғулари, кайфиятларининг тасодифий ҳарактердалиги;
8. Оила муҳитида адолатсизлик, иккиюзламачилик, риёкорлик, товламачилик, порахўрлик иллатларининг номоён бўлиши;
9. Оила турмушида истеъмолчилик руҳиятининг ҳукмронлиги.
10. Ота - оналарнинг билим ва маданий савиясининг талаб даражасида эмаслиги;
11. Оиладаги миллий руҳдаги анъаналар, урф - одатлага эмас, балки маълум қолипдаги хатти - ҳаракатларга риоя қилиниши оқибатида оила аъзоларининг ижтимоий муҳитдан ажралиб қолиши ва шу каби лоқайдликлар баркамоллик сари интилишга ғов бўлади. Ҳақиқатда ҳам боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши, кўп жихатдан ота - она

ва оила ҳамда ундан таркиб топган мухитга боғлиқ.

Инсонни маънавий қиёфаси, камолоти унинг ахлоқий сифатлари билан белгиланади. Демак, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва истиқболи учун курашиш камолот сари интилувчи, имон эътиқодли, ҳалол, нияти соф кишиларнинг вазифасидир. Ота оналар ўзаро муносабатларининг самимийлиги оилада болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Зеро, оилада турмушнинг яхши ташкил этилиши, муайян соғлом рухий муҳит, яъни меҳнат, дам олиш, овқатланиш, ўқув машғулотилари ўтилиши, сайр қилиш, маданий кўнгил очиш ва бўш вақтдан самарали фойдаланиш кўнгилларидек ички интизомни вужудга келтиради. Шунинг учун доимо, ҳар қандай шароитда ҳам оилада ўзаро мўътадил муносабатларни сақлашга, унда соғлом вазият ўрнатишга эришиш лозим. Чунки оилада соғлом рухий муҳит бўлмас экан, ёшларни тарбиялашда ҳам, эр- хотин ўртасидаги муносабатда ҳам, қўйинки оилада турли кўнгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишга сабаб бўлади. Оилада фарзандлар тарбияси ва бу тарбия воситаси ҳамда усуларини тарғиб этишга дифференциал ёндашиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, ёшлар маънавий - маданий қиёфасини ўзгартиришда миллий тарихий - маданий мерос ва ақлий - ижодий салоҳият таянч устивор йўналиш бўлиб қолмоқда. Ёш авлодни баркамол, соғлом, Ватanning жонкуяри ва табиат шайдоси қилиб тарбиялаш, вояга етказиш, Ёринчи навбатда, оилага, ота - онага боғлиқ. Ёш авлод келажакка ишонч ҳосил қилиши учун аجدодларимиз маънавий - маданий меросини чуқур ўрганиб, ўз фаолияти, истеъдоди ва қобилиятини, ҳаёт йўналишларини юрт, халқ, давлат мақсади билан уйғунлаштириши лозим. Инсоннинг баркамоллик даражасига етказишда биологик, ижтимоий шарт - шароитлар ва тарбия муҳим аҳамиятга эга.

Баъзи сабабларга кўра, бу омилларнинг бирортаси мейор даражасига бўлмаса, бу шахс фаолиятида салбий ҳолатларни келтириб чиқаради ва унинг маънавий қиёфасида чекиниш юз беради, тарбиялаш бузилади.

Масалан, оиладаги моддий бойликнинг кўпайиши, ундан ота - оналар ва

болаларнинг нотўғри фойдаланиши, ўсмирларнинг бир қисмида ҳаётга истеъмомчилик, боқимандалик нуктаи назаридан қарашни, тубанликни, худбинликни келтириб чиқаради. Меҳнатсиз бойлик орттириш каёфияти кучаяди. Оилада бола тарбиясининг миллий ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, ота - оналар улардан унумли фойдаланишлари лозим. Оилада маънавий - рухий хотиржамлик, ўзаро тотувлик ҳукмрон бўлса, оила аъзолари бир - бирларига ғамхўр бўлсалар, бола тарбиясининг таянч нуқтасини топа олсалар, бундай муҳит бола тарбиясига ижобий таъсир этади ва улар фарзандларига ҳақиқий бахт ҳадя этадилар, бу билан ишимизда ривожланиш, жамиятимизда олға силжиш бўлади. Мустақиллик ва бозор муносабатларга ўтиш даврида ота - оналар ўз фарзандларини қалби ва онгига миллий мустақиллик мафкураси ва умуминсоний қадриятлар билан узвий уйғунлашган ҳолда ишонч туйғусини сингдиришлари лозим. Ватанга мухаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашлари, ҳалолликни, мардлик ва сабр - қаноатни, адолат ҳис туйғусини, билим ва маърифатга интилишини тарбиялашлари, касб - ҳунар эгаси бўлиши йўлида хизмат қилишлари ҳамда бу борада улар маъсул ва жавобгар эканликларини англашлари лозим. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мана шундай жамият оилалардан ташкил топади. Жамиятнинг ташкил топиши ва тараққий этиши оилага боғлиқдир. Чунки инсон зотини давом эттирувчи авлод, меҳнат қилиб, моддий ва маънавийбойлик яратувчилар, жамиятни бошқарувчилар оилада дунёга келади, камол топади ва шахс сифатида шаклланади. Оила ҳамма даврда ҳам жамиятдаги маънавий - ахлоқий муҳитни ўзида яққол акс эттирган, ижтимоий ривожланиши йўлида пайдо бўлган ижтимоий муаммо ва қийинчиликларни ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Оила мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий - маънавий ислохотларни амалга оширишда, сифат жихатидан юқори поғонага кўтаришда моддий ва маънавий жихатдан таянч вазифасини бажаради. Оила маданий ҳодиса сифатида халқимизнинг бой ва қадимий тарихини, моддий ва маънавий меросини, қадриятларининг, урф - одатлари - ю, анъаналарини авлоддан -

авлодга асл ҳолида етказадиган, миллий фахр сифатида авайлаб асрайдиган ва жахон миқёсила умуинсоний қадрият тарзида намойиш эта оладиган уюшмадир. Шунингдек, жамиятимизнинг фаровонлиги, жахонда тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиши учун тўла имконият яратмоқ ниятида меҳнат қиладиган жисмоний соғлом, маънави й бой, ахлоқан пок комил фарзандларни ҳам оила тарбиялаб вояга етказди. Оила билан жамият доимо ўзаро узвий алоқадордир. Жамият ижтимоий муносабатлар мажмуидир.

Оила шароитида ота - оналар ва оиланинг катта ёшдаги бошқа аъзолари томонидан олиб борилаётган экологик тарбия жараёнида маълум муваффақиятларни қўлга киритиш учун оила (яъни ота -оналар) ни услубий экологик билимлари билан курулантириш, уларга амалий, услубий ёрдам кўрсатиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг яқин ҳамкорлари таълим муассасаларининг ходимлари, ижтимоий ташкилотларининг вакиллари ва жамоатчилик аъзолари ҳисобланади. Экологик мавзуларда ташкил этилган суҳбат, учрашувлар, методик индивидуал тарздаги маслаҳатлар шаклида ташкил этилаётган ўзаро мулоқот ва тажриба алмашинувлар оила шароитида экологик билимлар тарғиботини йўлга қўйишда ўзига хос рол ўйнайди.

Ўзбек оилаларининг миллий, этнопсихологик хусусиятларини инобатга олиш, оила аъзоларининг экологик биламлар, табиатга интилиш унга меҳр қўйиш, табиат бойликларини ўзлаштиришда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, табиат бойликларини асраш ва қўпайтиришга нисбатан маъсулликни ҳис этиш, атроф - муҳит озодалиги учун курашиш ғояларини ўзида акс эттирувчи анъаналарга эга бўлиши болаларнинг ёшлигиданоқ табиат ва атроф - муҳит муҳофазаси борасидаги билимларини ўзлаштириб боришлари учун замин ҳозирлайди.

Ўзбек оилаларида ташкил этилган экологик таълим ва тарбияси натижасида болаларда ҳосил бўлган экологик маданиятнинг шаклланганлик даражасини қуйидаги ишлаб чиқилган мезонлар асосида

аниқлаш мумкин.

1. Ижтимоий - экологик ўзгаришларнинг сабаб ва оқибатларини тушуниш.
2. Инсон фаолияти экологик ўзгаришларнинг асосий омили эканлигини англаш.
3. Муайян минтақадаги ижтимоий - экологик ўзгаришлар даражасини баҳолай олиши.
4. Табиат ва атроф мухит муҳофазасини ташкил этилишига йўналтирилган фаолият моҳиятини тушуниш.
5. Экологик бшшмларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишининг мавжудлиги.
6. Экологик билимлардан хабардорлиги.
7. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш.
8. Табиат ва атроф - мухит муҳофазаси борасида мустақил фаолият юритиш кўникма ва малакасига эга бўлиши.
9. Экологик хавфни бартараф қилишда фаол иштирок этиши. Ўзбек оилаларида болаларни экологик маданиятини шакллантиришга ёрдам берувчи омиллар орасида миллий қадриятлар ва халқ педагогикаси ғояларихам муҳим ўрин тутади. Уларнинг мазмунида ифода этилувчи экологик ғоялар болаларда табиат ва атроф - мухатга нисбатан муҳаббатнинг қарор топишига хизмат қилади.

Ушбу ғоялар болаларда ўзи туғулиб ўсган жой табиатини асраб - авайлаш, табиий бойликлардан тежаб - тергаб фойдаланиш, уларни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўзининг, шунингдек, атроқдаги кишиларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриш юзасидан масъулиятни хис этиш каби сифатларни ҳосил қилишда муҳим рўль ўйнайди. Миллий қадриятлар ва

бевосита кулланувчи усулларга бойлиги, улардан фойдаланиш учун меъёрланган талабларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, махсус мутахассислик тайёргарлигининг тақазо этилмаслиги уларнинг таълимий ҳамда тарбиявий имкониятларини янада оширади. Ўз мазмунида экологик ғояларни ифода этувчи халқ педагогикаси ва миллий кадриятларни қўйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

1. Табиат ва инсон ўртасидаги муносабат мазмунини ифода этувчи қараш, назария ва таълимотлар.

2. Табиат ва атроф - муҳит муҳофазасини ташкил этиш борасидаги назарий ва амалий ғояларни ўзида мужассам этган халқ анъаналари.

3. Биотизим, унинг яхшилиги ва бирлиги, мазкур тизим доирасида инсон томонидан эгалланган мавқе, инсон фаолиятининг биотизим яхлитлигига кўрсатаётган таъсири бораисдаги қарашларни акс эттирувчи халқ оғзаки ижоди (нақл, мақол, эртак, ривоят, топишмоқ, афсона ҳамда ҳикматли сўзлар) намуналари.

4. Табиий шарт - шароит, табиий объектларнинг генофонд тузилмасини шакллантиришдаги ўрни ва ролни аниқлашга ёрдам берувчи тақик (сўз, ибора) лар.

3.2. Информатика дарсларида педагогик технологияларидан фойдаланиш усуллари

Педагогик технологияда таълим ва тарбия умумий тарзда қаралади. Лекин ҳаёт кўрсатдики, таълим соҳасидаги технологияни ҳамма вақт ҳам тарбия соҳасида қўллаб бўлмас экан. Сабаби, таълим жараёнида мақсадни ташхислаш ва режалаштириш имкони мавжуд. Тарбия жараёнида эса мақсадни ташхислаб бўлмайди. Бундан ташқари ҳар қандай педагогик технология пировард мақсадга эришишни таъминлаши зарур. Лекин ҳозирги вақтгача педагогикада инсоннинг тарбияланганлик даражасини, инсонда шаклланган муайян шахсий сифатларни, инсоний кадриятларни, умуман олганда унга тарбиявий таъсир кўрсатиш натижаларини аниқлаш жуда қийин ва бу мезонлар

ишлаб чиқилмаган. Педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқитишнинг анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан воз кечиб, ўқувчиларни кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан иборат, унда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг "бошқарувчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага йўлловчи» вазифасини бажаради. Педагогик технологиянинг самарадорлиги шундан иборатки, унда турли ўқитувчилар деярли бир хил якуний натижага эришиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса барча ўқув юртларига ягона таълим стандарти талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган ҳозирги даврда биз, Ўзбекистонлик педагоглар учун нихоятда муҳимдир.

Педагогик технологияларга асосланган таълимда эса педагог маҳорати қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) зарур маълумотни танлаш;
- 2) оптимал усуллардан фойдаланиш;
- 3) оптимал воситаларни ишлатиш.

Замонавий педагогик технологияларнинг таълим тарбия ишида 3 та унсурни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Булар: Таълим оловчи(ўқувчи);

Таълим берувчи(ўқитувчи);

Таълим муҳити (жиҳозлар, асбоб ускуналар, электрон дарсликлар, электрон қўлланмалар, электрон плакатлар, электрон лаборатория ва ахборот манбалари, воситалари) бўлиб улардан ҳар бирининг аҳамияти бошқасидан қолишмайди. Таълим оловчи ва таълим берувчи бу аввало инсон, у ўз онги характери, кўникмалари ақлий ва жисмоний имкониятлари, маълумотларни қабул қила олиш ва узата олиш қобилиялари каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Таълим самарадорлигига эришишда таълим берувчиларнинг хусусиятлари алоҳида ўрин тутади. Бунда қуйидаги омилларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

- Ўқитувчининг амалдаги билим даражаси;
- Ўқитувчининг ўқувчиларга ўз билимини бера олиш қобилияти.

Ҳозирда барча таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари билан жиҳозланмоқда. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида кўрилмоқда. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларнинг жорий этиш масаласи оммалашмоқда. Бу эса, педагогларнинг ўз меҳнати фаолиятига янгича ёндашувини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчини техникавий воситалар томонидан сиқиб чиқаришга эмас, балки ўқитувчининг вазифалари ва ролини ўзгартиради. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялари, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Замонавий ўқитувчи томонидан ўқув жараёнининг ташкил этилиши жараёнида дарс мазмунидаги асосий маълумотлар ва ўқув материали шундай тақдим этилиши керакки, у талабанинг визуал идрок қилиш қобилиятини осонлаштиради. Информатика дарсларини юқоридаги қонун-қоида асосида ташкиллаш кенг самарадорликка эга. Мисол сифатида «Ахборот технологиялари» ва «Windows операцион системаси» мавзуси бўйича амалий машғулотнинг ўтиш методикасини келтирамиз.

Мавзу: Windows операцион системаси.

Мақсад: Windows операцион системаси бўйича ўқувчилар билимини текшириш.

Материаллар: 8 та сарлавха ёзилган варақлардан иборат контекст комплектлар сони ҳар бири 8 та ўқувчидан иборат гуруҳлар сонига тенг бўлиши керак.**Вақт:** икки академик соат.

Усул: «Айланма стол».

Дарснинг бориши


Ташкилий қисм. Синф ўқувчилари ҳар бири 8 та ўқувчидан иборат гуруҳларга бўлиниб, айлана бўйлаб ўтказалади. Ҳар бир гуруҳ олдидаги столга 8 та сарлавха ёзилган варақлар

➤ Ойна - бу Windowsнинг асосий элементи.

- Ойна фаоллашган бўлиши мумкин, унда у кўк рангда ажралган бўлади.
- Хар бир ойнани ўзининг сарлавхаси бор.
- Ойналар уч кўринишида бўлади - тўла экранли, нормал ва пиктограмма.
- Ойнани фаоллаштириш учун унинг устида сичконча тугмагасини бир марта босиш керак.
- Хужжатлар ойнаси ва мулоқот ойнаси бор.
- х - ойнани ёпиш.

б) битта гуруҳ вакили доскада тушунтираётган пайтида, қолган гуруҳдаги ўқувчилар бир хил ғояларни чизиб ташлайдилар. Шундан сўнг иккинчи гуруҳ вакили ўзининг вароғини доскага илиб, қолган ғояларини ўқиб беради.

в) қолган гуруҳлар ўқувчилари ҳам ўз ғояларини ўқиб бергандан сўнг муҳокама тўхтатилади.



Лаборатория ишлари қуйидаги қисмларидан иборат:

- мавзу;
- ажратилган соат;
- керакли аппарат ва дастурий таъминотлари;
- асосий ўқув мақсади;
- вазифалар.

Мисол сифатида «Windows операцион системаси» мавзуси бўйича

биринчи лаборатория ишини келтирамиз.

Windows операцион системаси.

1-лаборатория иши. Ойналар билан ишлаш

Мақсад: ойналар билан турли ишларни бажаришга ўрганиш

Керакли аппарат ва дастурий таъминотлари; компьютер, Microsoft Windows операцион тизими.

Вазифалар:

- «Мой компьютер» значокини очинг. Ушбу объектнинг хоссаларини кўриб чиқинг. Ушбу значок устида сичконга тугмачасини икки марта босинг ва ойнасини очинг. Ойнани хоссаларини кўриб чиқиш учун контекстли менюсини очинг (сичқончанинг ўнг тугмачасини босинг) ва «Свойства» бўйруғига кириш.
- Ойнани экранга тўла очинг. Бунинг учун «Развернуть» тугмачасини босинг.
- «Мой компьютер» ойнасининг дастлабки ҳолатини тикланг. Бунинг учун «Восстановить» тугмачасини босинг.
- Мазкур ойнани «Свернуть» тугмачасини босинг. Дастур ўз иш фаолиятини тўхтатдими?
- Мазкур ойна ўлчамларини шундай ўзгартирингки, вертикал ва горизонтал айлантириш тасмалари пайдо бўлсин. Бунинг учун сичконга кўрсаткичини ойнанинг чегарасига олиб келинг ва чўзиш усули ёрдамида ойна ўлчамини кичрайтиринг.
- «Корзина» ойнасини очинг. Бунинг учун тегишли значок устида икки марта сичконга тугмачасини босинг. Бу ҳолатда қайси ойна фаоллашган бўлади?
- Иш столидаги икки ойнани шундай жойнаштирингки, уларнинг ҳар бири тўлиқ кўринишида бўлсин.
- Очилган ойналарни ёпинг. Бунинг учун «Закрить» тугмачасини босинг.

Мисол сифатида информатика фанининг «Шахсий компьютер ва унинг қурилмалари» мавзуси бўйича план-конспектини келтирамиз.

IV. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Электр хавфсизлиги.

Электр жихозлари ишлатиши ва тузилиш вақтида одам электр токи кучланиши таъсири остида қолиши мумкин. Кучланишга кура электр қурилмалари 1000 В га ва 1000 В дан юқори кучланишли қурилмаларга ажратилади. Ишлаб чиқариш индустриясининг янада ривожланиши мамлакатимизнинг энергия билан таосирланганлик даражасининг устига чамбарчас боълиқдир. Ишлаб чиқариш корхоналарида механизациялаш техналогик жараёнларни автоматлаштириш кенг жорий қилинмоқда. Электр қурилмаларига хизмат қурсатиш боълиқ турли ихтисосликларда ишловчи ишчилар сони қупайиб бормоқда. Бинобарин, уларнинг электр токидан шикастланиши эҳтимоли ҳам ортиб бормоқда. Шу боис инсон организмга электр токининг таосирини урганиш электр токидан шикастланиши сабабларини таҳлил қилиш ишлаб чиқаришда хавфсиз Меҳнат шароитларини яратиш учун жуда муҳимдир. Фақат улим билан тугаган кунгилсиз ходисаларни қуриб чиқадиган бўлсак, манзара бутунлай узгаради. Бунда ишлаб чиқаришда улимга олиб келган жами кунгилсиз ходисаланинг 20-40% қисми электр токидан шикастланиш оқибатида юз бериши маолум бўлади. Бу қурсаткич бошка сабаблар туфайли улимлар қурсаткичидан қупдир. Мана шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришдаги электр хавфсизлиги масаласига катта аҳамият берилиши шарт. Электр токидан шикастланиш натижасида улим ходисаларининг 75-80% қисми 1000 В гача кучланишли электр қурилмаларида руй беради:

- кучланиш остида бўлган ток утказувчи қисмларга тасодифан тегиб кетиш эҳтимоли бўлмаслигини таоминлаш;
- электр қурилмаларининг корпуслари, ылофлари ва бошка қисмларида кучланиш пайдо бўлганида шикастланиш хавфини бартараф қилиш;

- электр қурилмаларини, ускуналарни ерга улаш, ноллаш ва химояловчи узиб куйгичларни куллаш;
- электротехника билан боғлиқ ишларни бажаришда яқка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланиш.

Химоялаб ерга улаш - электр қурилмаларининг одатдаги шароитда қучланиш остида булмайдиган, аммо ток утказувчи қисмларга тасодифан тегиб қолганда қучланиш остида қилиш мумкин бўлган корпуслари ва бошқа таркибий металл қисмларини атайлаб ерга улаб қуйишдир. Химоялаб ерга улашдан мақсад – одам қучланишли корпусга тасодифан тегиб қетганида уни электр тоқи шикастлашининг олдини олиш.

Агар электр тоқи қурилмасининг корпуси ерга уланмаган бўлиб, фазага тегиб қолса, у ҳолда одамнинг бундай корпусга тегиб қетиши битта фазага уланиб қилиши билан баробардир. Бу ҳолда одам орқали утадиган ток тенглама ёрдамида аниқланади. Пойабзал полнинг ва симлар изоляциясининг ерга нисбатан қаршилиғи кичик бўлганда бу ток хавфли қийматларга қатталаниши мумкин. Электр қурилмасининг химояланиб ерга уланиши лозим бўлган ток утказмайдиган металл таркибий қисмлари: машина ҳамда аппаратлар корпуслари, трансформаторлар баклари ва бошқалар нолланиш керак. Бир фазали электр истеомолчиларининг, яъни фаза сими билан нол сим орасига уланадиган ёриткичлар, дастақи электр асбоблар ва шу қабиларкорпуслари алоҳида утказгич ёрдамида нолланиши, бу утказгич корпусни линиянинг нол сими билан боғлаши керак. Бу мақсадда электр истеомолчисига борадиган, яъни иш тоқини утказадиган нол симдан фойдаланиш ман этилади, чунки у тасодифан узилганда корпус фаза қучланиши остида қилиш мумкин. Одамларнинг электр тоқидан шикастланишининг олдини олиш, химоялаш мақсадида электр қурилмаларда, жихозларда, дастгоҳларда химоя воситаларидан фойдаланилади. Ишчилар эса махсус воситалар ва анжомлар билан таъминланади. Қўчма тўсиқлар ўрнатилади. Химояланиш воситалари мустаҳкамлигига қараб асосий ва қўшимча воситаларга бўлинади. Уларга ток ўтказмайдиган поёндоз, гилам,

тагликлар, резина калиш, этиклар, қўлқоплар, кўз ойнаклар, ёнмайдиган кийимлар, химоя камарлари, занжирлари мисол бўлади.

Химоя анжомлари сифатида штангалар, клешлар, кучланиш кўрсаткичи, индекаторлар, мантиёр жихозлари ишлатилади. Электрдан химояланиш воситалари маълум муддатда кўриб чиқилади ва текширилади. Уч олти ва ўн икки ойда бир марта ўтказиладиган синов натижалари дафтарга ёзилади.

Электр токидан жароҳатланган кишининг ҳаёти ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ишчига электр токидан шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш турлари ўргатилади. Шикастланишининг биринчи дақиқасидаёқ ёрдам берилса, шикастланганларнинг 90% ини, агар ёрдам кечиктирилса уларнинг фақат 10% инигина ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлиги исботланган.

Агар одам кучланиш остида бўлса, уни тезда ток таъсиридан озод қилиш зарур. Бунинг учун хавфсизлик чораларини кўриб, токни тармоқдан узилади. 1000 В гача кучланишдаги қурилмаларда ток узатувчи қисмлардан жароҳатланган одамнинг ажратиш учун қуруқ ёғоч, тахта, арқон, қуруқ кийимдан фойдаланади. Агар инсон тармоқнинг бир фазасига ёки битта манбасига боғланган бўлса, уни ердан тахтаёки бошқа усул билан ажратиш кифоядир. Зарур бўлганда ток ўтказмайдиган дастали болта ёки қайчи билан резина калиш қўлқоп ёрдамидасимларни узиш керак. Юқоридаги усуллар билан ёрдам бериш имкони бўлса, сим ташлаб ток ўтказувчи симларни қисқа туташтириш талаб қилинади. Ток таъсиридан қутқарилган кишига шифокор келгунга қадар тезлик билан биринчи ёрдам бериш керак. Агар шикастланган кишининг нафас олиши суст бўлса ёки сезилмаса, сунъий нафас олдириш ҳамда жонлангунгача юраги массаж қилинади. Кейинги ёрдам жароҳатланиш даражасига қараб мутахассислар ёрдамида шифохонада давом эттирилади.

Умумий хулосалар.

1. Касб хунар коллежи ўқувчиларида инновацион технологиялардан фойдаланиб, экологик маъданиятини шакллантиришга йўналтирилган фаолият мазмунини ўрганиш, коллеждаги мавжуд педагогик шарт – шароитларни таминлаш, шунингдек коллежда болаларни экологик маданиятини шакллантириш юзасидан амалий фаолиятни ташкил этиш ўрганилаётган муаммо бўйича қўйидаги якуний хулосаларни чиқаришга имкон берди.

2. Касб хунар коллежи ўқувчиларида инновацион технологиялардан фойдаланиб, экологик маъданиятини шакллантириш - узоқ муддатли, динамик ҳамда диалектик хусусиятга эга, педагогик фаолият жараён бўлиб, ушбу жараён муофаққияти болаларга экологик билимларни бериш уларни экологик фаолиятга жалб этишга қаратилган раҳбарий фаолиятнинг узлуксиз, изчил ва тизимли равишда ташкил этишга боғлиқ. Ота- оналар томонидан экологик билимларни ўзлаштиришга нисбатан ҳаётий эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келганлиги, болаларга экологик билимларни беришда ҳалқ оғзаки ижоди намуналари ва ҳалқ педагогикаси ғояларидан мақсадга мувофиқ ва ўринли фойдаланиши, шунингдек, экологик мазмунни ўзида ифода этувчи оилавий анъаналарнинг қарор топганлиги ва хоказо омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Коллежда экологик маданиятини шакллантиришда уларнинг ёш, психологик, физиологик ҳамда шахсий хислатлари инобатга олиниши шарт.

3. Мазмунида экологик ғояларни акс эттирувчи ҳалқ педагогикаси ва миллий қадриятлардан оилаларда экологик тарбияни ташкил этишда пайдо бўлган саволларга жавоб олиш ва тегишли қоидалар билан таништириши мумкин.

4. Касб хунар коллежи ўқувчиларининг инновацион технологиялардан фойдаланиб, экологик маданиятини шакллантиришга қаратилган амалий фаолиятнинг аниқ, пухта ишлаб чиқилган махсус дастур асосида ташкил этилиши тадқиқот ишининг самарали якунланишида муҳим омил саналади.

Битирув малакавий ишнинг умумий хулосаларга таянган ҳолда қўйидаги илмий - услубий тавсияларни илгари суришга имкон яратилади:

1. Касб ҳунар коллежи ўқувчилар инновацион технологиялардан фойдаланиб, экологик маданиятини шакллантиришнинг ягона концепциясини яратиш асосида кенг қўламли фаолиятини ташкил этиш.
2. Этно психологик хусусиятларни инобатга олиш асосида коллежларда инновацион технологиялардан фойдаланиб, экологик таълим тарбия ташкил этиш борасида етарли маълумотларни берувчи услубий кўникмаларни яратиш.
3. Касб ҳунар коллежларни инновацион технологиялардан фойдаланиб, экологик маданиятни шакллантириши бўйича зарурий адабиётлар билан таъминлашларига эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Т.1997, 252 - бет.
2. И.Каримов. Оила фаровонлиги - миллат фаровошши. Т. 1997.
3. С.С. Ғуломов ва бошқ. Ахборот тизимлари ва технологиялари, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999
4. С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва бошқалар. - “Ахборот тизимлари ва технологиялари”, Олий ўқув юртлари учун дарслик,Т.: Шарқ, 2000 й.
5. Скотт Хокинс. Администрирование Web-сервера Apache и руководство по электронной коммерции. Издательство: Вильямс, 2001 г.
6. Д. Котеров Издательство: БХВ - Петербург, 2001 г.
7. О. Қудратов. Т. Ғаниев Хаёт фаолияти хавфсизлиги Тошкент Меҳнат 2004
8. Информатика ва ахборот технологиялари. Орипов. 2005 й.
9. Х.Рахимова ва бошқалар – Меҳнатни муҳофаза қилиш, Т.,Ўзбекистон, 2003 й.
10. О.Сафаров, М. Маҳмудов. Оила маънавияти,Т. 1999.
11. О.Мусурмонова. Оила маънавияти - миллат ғурури. Т. 1999.
12. А.Тохтаев. Экалогия. Т.2001.
13. Қ.Содиқов. Ўқувчилар физиологияси ва гигиенаси. Т. 1992.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Т. 1992.
15. Абдуллаев Р., [Исмаилов](#) Х. Касб-хунар коллеж ва академик лицейлар учун информатика фанидан электрон-ўқув қўлланма/ www.informatika.freenet.uz
16. Интернет – журналистика (интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: “МРС-Ташкент”, 2005. 160 бет.
17. <http://www.uz.infocom.uz> Ўзбекистон ахборот ва коммуникация технологиялари электрон журнали.
18. [http:// www.ref.uz](http://www.ref.uz) Рефератлар тўплами.
19. [http:// www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz) Ахборот таълим тармоғи.

ИЛОВАЛАР:

1-Илова

1 Ижтимоий – экологик ўзгаришларнинг сабаб ва оқибатини тушиниш

2- Илова

2 Инсон фаолияти экологик ўзгаришларнинг асосий эканлигини англаш

3-Илова

3 Экологик билимларни ўзгартиришга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишнинг мавжудлиги

4- Илова

4 Экологик билимлардан хабардорлиги

5-Илова

5 Оталарнинг -30 -20- 5 -5

Оналарнинг -22- 12- 6 -4

6- Илова

6 Ўқувчилар –респондентларнинг $64-38-16-10=15,6\%$

7-Илова

7 Ота –она респондентларнинг $58-12-16-30=50,2\%$

Ўқувчи респондентларнинг $71-14-18-39=55\%$

8 Ҳамма респондентларнинг $129-26-34-69=50,2\%$